

**УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**М.УЛУГБЕК НОМИДАГИ САМАРКАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-  
КУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**Кулезма ҳукукида**

**РАББИМОВ АЗИЗ**

**САМАРКАНД ШАХРИНИНГ ТАРИХИЙ ҚИСМИ  
МАРКАЗИЙ КУЧАЛАРИДА ТУРИЗМ  
ИНФРАСТРУКТУРАСИНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ**

5A580103 - “Шахарсозлик ва кишлок ахоли яшаш жойларини комплекс куриш”  
мутахассисилиги

“Шахарсозлик ва кишлок ахоли яшаш жойларини комплекс куриш”  
**буйича магистр даражасини олиш учун**  
**МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ**

Иш куриб чиқилди ва химояга

рухсат берилди.

«Архитектуравий лойihalаш»

кафедраси мудири, доц.

\_\_\_\_\_ Болгаев А.Б.

Илмий рахбар: арх. ф. н, доц.

\_\_\_\_\_ Хидиров М.М.

**САМАРКАНД – 2012**

## Мундарижа

Кириш .....	3
<b>I - Боб. Ўзбекистон тарихий шаҳарлари ривожланиши ва туристик инфраструктура шаклланиши омиллари</b>	
1.1. Тарихий шаҳарлар ривожланишининг асосий тамойиллари.....	10
1.2. Урта Осиё шаҳарлари марказий кучаларида жойлашган тарихий савдо маказлари ривожланишидаги анъанавийлик.....	27
1.3.Тарихий шаҳарлар марказий кучалари хажмий – фазовий тузилишига таъсир киладиган омиллар.....	31
I-боб хулосаси.....	37
<b>II - Боб. Туризм инфраструктурасини шакллантиришнинг замонавий ҳолати.</b>	
2.1. Туризм инфраструктураси ривожланишининг ижтимоий ва иқтисодий тамойиллари.....	39
2.2. Ўзбекистон тарихий шаҳарларида туристик инфраструктурани лойихалаш хусусиятлари.....	43
2.3.Самарканд шаҳрида шаҳарсозлик шароитлари.....	46
II –боб хулосаси.....	50
<b>III - Боб. Самарканд шаҳри тарихий қисмида туризм инфраструктурасини шакллантириш</b>	
3.1. Туристик инфраструктурани лойихалашнинг амалий тамойиллари.....	52
3.2. Тарихий кучаларни туристик инфраструктурага мослаштириш ва кучаларни қайта қуриш.....	55
3.3. Туристик инфраструктура корхоналарининг ташкил қилувчи кучалар функционал тузилиши.....	60
III-боб буйича хулоса.....	64
Яқуний хулоса.....	66
Фойдаланилган адабиётлар.....	69

## Кириш

**Мавзунинг долзарблиги.** Истиклолнинг бизга берган энг буюк имкониятларидан бири уз ватанимизга эгалик килиш, уни обод этиш, куриш, яратиш ва аждодларимиз эришган улкан ютуклари билангина фахрланиб юрмасдан, уни муносиб давом эттиришдан иборат. Бинобарин бунёдкорлик, меъморчилик ва шахарсозлик бобида хам машхур обидаларга мос тушадиган замонавий иншоотлар яратиш масаласи мухим ахамият касб этади.

Президентимизнинг БМТ бош ассамблеясининг 48-сессиясидаги маърузаларида куйидаги фикрлар баён этилган: “Халкимнинг тарихи уз илдизлари билан асрлар каърига бориб такалади ва уч минг йилдан купрок даврни уз ичига олади. Кадимий Турон, Мовароуннахр, Туркистон худудида равнак топган давлатлар жахон маданиятини ривожланишда ёркин из колдирган. Тошкент, Самарканд, Бухоро, Хива шахарлари жуда кадим замонлардан дунёга машхур булган. Олис асрларда бу шахарлар Хитойдан Испаниягача, Европадан Хинд океанигача алока боглаган.”

Бу шахарлар улугвор меъморчилик обидалари билангина шухрат козониб колмай, айна пайтда бутун дунёдан буюк мутафаккирлар ва ижодкорлар интилган жойлар хам булган. Самаркандни уз давлатининг пойтахти килган буюк Темур олимларга, файласуфларга, меъморларга, шоирлар ва машшокларга хомийлик килиши билан шухрат козонган.”

Замонавий маданий тараккиётнинг хозирги палласида халкимизнинг уз утмиши ва тарахини чукур урганишга булган кизикиши ошиб бормокда. Бу сохадаги ишлар орасида шахарсозлик санъатимизнинг утмишдан бизга мерос булиб колган, жумладан, жамоат бинолари архитектурасида ансамбл ва комплексларнинг шаклланиш тамойилларини урганиш ва уни замонавий меъморчилигимизда фойдаланиш чора-тадбирларини белгилаш долзарб масалалардан биридир.

Утмиш меъморлари яратган туркум биноларни урганар эканмиз, улардаги хандасавий, меъморий ва фалсафий уйгунлик диккатимизни узига жалб этади.

Шахар худудини шакллантириш масалаларини хал этишда Урта Осиё

меъморлари ушбу шахарни катта ва кичик ансамбллар тизими сифатида карашар эди. Фикримизнинг исботи сифатида дуёга шухрати ёйилган Тошкентдаги Хазрати Имом, Самарканднинг Регистон, Гури Амир, Шохи Зинда, Бухоронинг Лаби Ховуз, Хива Ичан калъаси, Шахрисабздаги Дор-ур-Саодат, Дор-ур-тиловат ва бошқалар санаб утишимиз мумкин.

Меъморий иншоатларни ансамбл шаклида барпо этиш биноларнинг визуал таъсирчанлигини ошириш нуктаи назаридан келиб чиқиб меъморлар олдида биноларни бир-бири билан гармоник уйғунлаштириш вазифасини куяди. Замонавий меъморчиликда ҳам юқорида айтиб утилган вазифалар уз кадрини йукотгани йук.

Бугунги кунда яратилаётган меъморий мажмуалар: спорт иншоатлари, коллеж ва лицейлар, шахар бош майдонлари, савдо марказлари ва бошқаларни комплекс равишда куриллаётганлигининг шохиди булиб турибмиз.

Республикамизда ижтимоий соҳа объектларини куришва фойдаланишга топшириш масалаларига устувор аҳамият берилиши натижасида 113 минг 200 укучига мулжалланган 169 та касб-хунар, 14 минг 700 уринли 23 та академик лицей курилди ва реконструкция килинди. Шулар каторида 184 та болалар спорти иншоати, 26 та кишлок врачлик пункт ива 7 миллион 240 минг квадрат метр турар-жой бинолари ва бошқа объектлар курилди.

**Муаммонинг урганилганлик даражаси.** Бир катор тарихчи, шаркшунос, археолог ва меъмор олимлар уз тадқиқотларида тарихий шахарлар ва комплекслар хақида куплаб кимматли фикрлар баён этганлар. Булар каторига Архангельский В. Л., Аҳмедов М. К., Аскарлов Ш.Ж., Бартольд В. В., Булатов М. С., Воронина В. Л., Вяткин В.А., Зоҳидов П.Ш., Моссон М.Е., Маньковская Л. Ю., Немцева Н. Б., Нозилов Д. А., Ноткин И. И., Плетнев И. Е., Пугаченкова Г. А., Рахимов К. Ж., Ремпель Л. И., Саваренская Т.Ф., Салимов О. М., Уралов А. С., Хмельницкий С. Г., Шваб Ю. З., Шишкин В. А., Юсупова М. А., Якубовский А. Ю., ва бошқаларни киритишимиз мумкин. Плетнев И. Е. узининг «Ансамбль Гур Амир» ва Шваб Ю. З. нинг «Шахи Зинда» деб номланган номзодлик диссертацияларида бу комплексларнинг моҳиятини ва шаклланиш

тамойилларини очиб берганлар. Хидоятов Т. А. мактабгача муассасалар ва урта мактаблар комплекслари, Убайдуллаев Х. М. жамоа марказлари меъморчилиги соҳасида изланишлар олиб боришган. Смолина Н. И. жамоат бинолари ва меъморий ансамблларнинг тархий схемасида комбинаторик усулларни таҳлил қилиб чиққан. Аҳмедов М. К., Рахимовлар К. Ж. урта асрлар меъморчилигида ансамбллар яратилиши муаммосини тадқиқ қилишган. Кодирова Т. Ф. замонавий меъморчиликдаги мажмуалар таҳлилида тухтаб утган. Олимларнинг ушбу муаммо юзасидан қилинган бизга қадар ишлари гоёт қимматли эканини тақдирлашни лозим деб биламиз. Аммо Ўзбекистон тарихий шаҳарларини қайта қуришда туристик инфраструктурани шакллантиришга етарли эътибор берилмаяпти.

Октябр революциясидан сунг шуролар даври меъморчилиги эмоционал бурттирилиб, уша даврнинг белги ва сифатларини намоён этди. Янги сиёсат мафқурасини ёрқин, символик ва тушунарли меъморий шакллар билан курсатиш анъанага қирган эди. Бу давр романтик символизм даври булиб, меъморчиликда гигант ва ёрқин шакллар орқали революцион ҳаракатнинг сунмас мафқурасини курсатиш тусга қирган эди. Янги мафқуранинг жорий этилиши натижасида меъморчиликда янги турдаги жамоат бинолари: ишчилар саройлари, клублар ва бошқа бинолар қелиб чиққан.

Собик шуролар даврида жамоат бинолари СНИП асосида, “погонали” тамойил асосида лойихаланар эди. Бу тамойилга асосан ҳамма жамоат бинолари ва хизмат курсатиш муассасалари 3 гуруҳга булинар эди: оний (эпизотик), даврий ва ҳар кунлик хизмат курсатувчи ташкилот ва корхоналар.

Оний (эпизотик) ишлатилувчи корхона ва ташкилотлар бутун шаҳар рёки район мавқеида хизмат курсатиб, бундай бинолар жамоат транспорти йулида жойлашган эди. Ҳар кунлик ва даврий ишлатилувчи корхона ва ташкилотлар маҳаллий хизмат курсатиш мавқеига эга булиб, микрорайонларда ва турар-жой районларида жойлашган.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига эришганидан сунг давлатимиз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳаларда катта ютуқларга эришди. Шу каторда

тарихий шаҳарларимизни қайта қуриш ва ривожлантиришда ҳам анчагина ишлар бажарилди. Тарихий шаҳарларни қайта қуриш ва ободонлаштириш билан бир каторда, бу шаҳарлар марказий тарихий кучаларидан туризм мақсадларига фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Републикаси Президенти И.А. Каримов конституциямиз қабул қилинганлигининг 18 йиллигига бағишланган тантанавий йиғилишга 2011 йилни «Кичик бизнес ва шахсий тадбиркорлик» йили деб эълон қилди. И.А. Каримов таъкидлаганидек кичик бизнес ва шахсий тадбиркорлик бизнинг жамият ва давлатимизнинг ривожлантиришининг таянчи ҳисобланади.

Туризм соҳасидаги ватанимиз ва чет эл тажрибасини урганиш шу нарсани курсатадики, соҳа ривожланишининг ижтимоий ва иқтисодий асослари шаҳарсозлик ва архитектуравий жиҳатдан тугри қабул қилинадиган қарорларга бевосита боғлиқдир. Бу қарорларда туристик объектларини тугри танлаш ва бу объектлар параметрларини аниқлашда замонавий услуб ва принциплардан фойдаланиш максимал равишда ижтимоий ва иқтисодий самарадорликга эришишни таъминлайди. Шу билан бир каторда туризм соҳасида фаъолият юрутувчи давлат ва нодавлат субъектлар фаъолиятини уйғунлаштириш, соҳанинг юқори рентабелликга эришувини ва туризм инфраструктурасини шаклланишига олиб келади. Чет эл тажрибаси шу нарсани курсатадики, ҳар томонлама ривожланган туризм индустрияси халқ ҳужалигининг юқори самарадорликга эришган соҳасига айланиши мумкин. Аммо бизнинг мамлакатимизда ҳозиргача бу нарсага етарли эътибор берилмасдан, туристик инфраструктура шаклланишининг шаҳарсозлик ва архитектуравий принципларига тулик амал қилинмай келинган.

Тарихий шаҳарлар марказий кучаларида туризмга мулжалланган инфраструктурани ривожлантиришда ҳам кичик бизнес ва шахсий тадбиркорликни асосланган лойиҳалар қатта аҳамият касб этмоқда.

Шу билан бирга тарихий шаҳар марказий кучаларини туризмни ривожлантиришдаги аҳамияти жуда қаттадир.

Шундай килиб Самарканд шаҳрининг тарихий қисми марказий кучаларида туризм инфраструктурасини ташкиллаштириш долзарб масалалардан ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, **диссертациянинг максоди Самарканд шаҳрининг тарихий қисми марказий кучаларида туризм инфраструктурасини шакллантириш учун таклифларини ишлаб чиқишдан иборатдир.** Диссертация максадидан келиб чиққан ҳолда ишда қуйидаги вазифалар ёритилган:

- тарихий шаҳарлар марказий кучаларини туристик инфраструктурага мослаштиришнинг асосий тамойиллари.
- туризм инфраструктурасини шакллантиришдаги ватан ва чет эл тажрибаси тахлили.
- Самарканд шаҳри тарихий қисмидаги марказий кучаларда туризм инфраструктурасининг шакллантириш буйича таклифларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти ва чегараси.** Самарканд шаҳри тарихий қисми марказий кучалари туризм инфраструктурасини ташкиллаштириш учун тадқиқот объекти килиб олинди. Республика тарихий шаҳарлари ва Республикада иклимига тугри келадиган мамлакатларда ташкиллаштирилган шаҳарлар мисолида тадқиқот утказилади.

-Республикада ва хориж мамлакатларида туризм инфраструктурасини лойиҳалаш ва қурилиш тажрибаларини, адабиётлар манбаълари асосида тахлил этиш;

-туризм инфраструктурасини ва туристик мажмуалари тизимида ривожлантирилган корхоналарини қуллаш ва уларнинг боғлиқлиги ва критерияларини аниқлаш борасида қузатиш ва тадқиқод утказиш;

**Тадқиқот методикаси.** Тадқиқот қуйидаги комплекс методи асосида олиб борилади;

- туризм инфраструктурасининг типологияси ва архитектурасини комплекс урганиш;

-Республика ва хориж мамлакатларида туризм инфраструктурасини лойихалаш ва курилиш тажрибаларини илмий адабиётлар асосида урганиш.

- туризм инфраструктурасини такомиллаштириш ва янги тизилмасини барпо этиш мақсадида кузатувлар олиб бориш.

**Илмий янгилик.** туризм инфраструктурасини архитектуравий-режавий мухитини такомиллаштириш ва тарихий шаҳарларда қайта қуришни ташкиллаштиришнинг тамойиллари ва унинг услубини такомиллаштириш;

**Амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, Самарканд шаҳри шароитига тақлиф қилинган туризм инфраструктураси ва уларнинг оптимал ижтимоий-иқтисодий, иқлимий ва шаҳарсозлик талабларига максимал жавоб берадиган қурилишнинг иқтисодий-самрадорлигини ошириш, баъдий композициялари ва шаҳарнинг қурқамлигини яхшилашга олиб келади;

Диссертация қириш, уч боб, якуний хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иллюстрациялар материаллардан иборат. Умумий ҳажми 70 бет, расм-схемалар ташкил қилади, адабиётлар рўйхати 30 т а.

Диссертациянинг қириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги, ишнинг мақсади ва вазифалари, муаммонинг ишланганлик ҳолати, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқот предмети, объекти, бажарилиш услуби ва унинг амалий аҳамияти очиқ берилган.

Биринчи бобда, туризм инфраструктурасининг шаклланишига таъсир қиладиган омиллар қуриб чиқилган ва омиллар урганилган, уларнинг асосида туризм инфраструктурасини шакллантириш талаблари аниқланган.

Иккинчи бобда, туризм инфраструктурасининг ҳажмий-режавий тизимлари ва уларнинг структурасини ташкиллаштириш ва ривожлантириш тенденциялари ва усуллар таҳлили берилган. ва уларни ташкиллаштириш ва бир-бири билан боғланиш масалалари қаралган.

Учинчи бобда, туризм инфраструктурасининг тузилишини ҳажмий-режавий ечимлари ва ташкиллаштириш тақлифлари, тарихий кучаларни ташкиллаштириш усуллари ва Самарканд шаҳри тарихий қисмида уларни қуллаш тавсиялари берилган.

Хулоса қисмида диссертация яқунлари ва тавсиялар ишлаб чиқилган илмий таклиф ва мулохазалар берилган.

Диссертация мавзуи буйича 2та илмий мақола chop этилган. Улар СамДАКИ (2012й) йиллардаги профессор-уқиувчилар ва ёш олимлар илмий конференцияларида маъруза қилинган.

# **1 - Боб. Ўзбекистон тарихий шаҳарлари ривожланиши ва туристик инфраструктура шаклланиши омиллари**

## **1.1 Тарихий шаҳарлар ривожланишининг асосий тамойиллари.**

Биз тарихий бир даврда – буюк узгаришлар ва янгиликлар даврида яшаймиз. Республикаимизнинг мустақилликга эришувчи, бозор иқтисодиётига ўтиш, шаксиз жамиятнинг ишлаб чиқаришни ривожланишига тўртки бўлиб, бу кўчларнинг барпо этиш, бунёд қилиш каби мақсадларга йўналтиради. Стагнация ва тургунлик, собиқ шўролар тузуми тугатилиши билан вужудга келган ва бошқа негатив ҳолатлар аста секинлик билан ортида қолмоқда. Аҳоли фаровонлиги яхшиланиб бориши оммавий турар-жой ва фуқаролик қурилишининг ривожланиши учун керакли шароитлар, бу қурилиш эса ҳозирда объектлар сонининг ошиши билангина эмас, балки уларнинг меъморчилигида сифатли узгаришлар билан ҳам давом этмоқда. Хайрат ва қониқиш билан шу нарсани қўзатиш мумкинки, фақат шаҳарда эмас балки қишлоқда ҳам ностандарт, ноодатий қизиқарли бадиий (меъморий) образли объектлар сони ортиб бормоқда. Индивидуаллиги ва ўзига хослиги билан ажралиб турувчи баъзи бир бу объектлар ўтган асрлардаги сарой қурилмалари ва дангиллама уйларни эслатади. Баъзилари эса ультразамонавийликка интилишади. Аммо уларнинг ҳаммаси шаксиз ўз эгаларининг маданияти ва эҳтиёжларининг юқори даражада эканлигини қўрсатади, уларнинг дунёқарабини ақс эттиради ва шакллантиради, ўзига хосликни яратади.

Мустақиллигимизнинг биринчи қўнларимиздан бошлаб республикаимизни президентимиз И. А. Қаримов мамлакатимиз пойтахти Тошкент ва бошқа нуфузли ҳамда тарихий шаҳарларнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий, шаҳарсозлик ва меъморчиликнинг ривожига қата эътибор қаратди(2). Бугунги кунда Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Марғилон, Андижон ва умуман барча вилоятлар марказлари қайта қурилди ва қурилмоқда.

Президентимизнинг нигоҳи тушган анна шундай шаҳарлардан бири Самарканд булди.

Тошкент. Давлатимиз раҳбари мустақилликнинг илк кунлариданок Тошкент узининг пойтахт шаҳар, Марказий Осиё минтақасидаги энг йирик сиёсий маданий марказ сифатидаги мақомига ҳар томонлама муносиб бўлиши учун унинг ривожига алоҳида, эътибор қаратиб келмоқда. Мамлакатимиз Президенти томонидан ишлаб чиқилган шаҳарни ривожлантириш концепцияси ҳам айнан анна шу мақсадга йўналтирилган [2].

Тошкент бугунги кунда давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсати шакллантириладиган, иқтисодиётдаги, ижтимоий ва сиёсий ҳаётдаги ислохот жараёнлари изчил бошқариладиган том маънодаги мустақил давлат пойтахтидир.

Бу ерда мамлакатимизнинг марказий раҳбарлик идоралари маъмурий ижтимоий муассасаларидан ташқари Бирлашган Миллат Ташкилоти, Европа Иттифоқи, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) нинг ваколатхоналари, ШХТ нинг икки асосий ишчи органларидан бири – Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ижроия кумитаси, бошқа нуфузли халқаро бирлашмалар жойлашган. Бу ерда 40 дан зиёд давлатнинг элчихонаси ишлаб турибди. Республика пойтахтида халқаро ва чет эл ноҳукумат ташкилотларнинг 90 га яқин ваколатхоналари ҳамда филиаллари иш олиб бормоқда.

Ўзбекистон пойтахтида йирик халқаро сиёсий саммитлар ва учрашувлар сиёсад, иқтисод, ҳуқуқ, фан ва маданиятнинг долзарб масалаларига бағишланган конференциялар, симпозиумлар, съездлар, семинарлар ва кенгашлар мунтазам утқазиб турилади.

Мустақиллик майдони «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи каби ноёб мажмуалар. Президент саройи – Оксарой, Ўзбекистон Республикаси олий Мажлиси Сенат ива Қонунчилик палатаси. Вазирлар маҳкамаси Ташқи ишлар вазирлиги сингари марказий раҳбарлик идораларининг бинолари узига хос сиёсий рамзлари ҳисобланади. Мамлакатимизда фаолият курсатаётган туртта сиёсий партия ва юзлаб жамоат ташкилотларининг марказий органлари тошкент шаҳрида жойлашган.

Мустакилликнинг дастлабки йилларида, Тошкентнинг сиёсий ахамиятини хисобга олиб, шаха рва мамлакатнинг бош майдони – Мустакиллик майдони кайта курилди . Аввало майдон марказидаги шохсупага мамлакатимиз давлат мустакиллигининг тимсоли булган Ер шари тасвири урнатилди. Президентимизнинг ташаббуси хамда рахбарлигида амалга оширилган бу иш нафакат бош майдоннинг куринишини, балки унинг мохияти ва ахамиятини хам тубдан узгартириб юборди. Ушбу майдонда ва унинг ён-атрофида олиб борилган кенг куламли куриш ва реконструкция ишлари натижасида бу ерда кейинчалик Мустакиллик ва эзгулик монументи, Сенат биноси, Эзгулик аркаси, Тасвирий санъат галереяси, Бизнес маркази каби куплаб замонавий меъморий мажмуалар бунёд этилди, Вазирлар Махкамаси биноси, маъмурий бино янгича кифа касб этди.

1999 йилда бу худудда Хотира майдони мажмуаси барпо этилди. Мажмуа иккинчи жахон уришида халок булган узбекистонлик аскарларнинг номлари битилган хотира китоблари сакланаётган, накинкор устунлар билан безатилган, узунлиги 60 метрли айвонлардан ва Мотамсаро она хайкалидан иборат.

Хотира ва Сенат майдонлари уртасида кад кутарган Мустакиллик ва Эзгулик монументи фарзандини багрига босган Базтиёр она хайкали хамда уртасида Узбекистон худуди акс эттирилган Ер шари куринишидан иборат. Бу монумент Эзгулик аркаси билан уйгунлашиб, яхлит мажмуа куринишини олган.

Бугунги Тошкентнинг шахарсозлик тузилмасида Амир Темур кучаси мухим урин тутати. У буюк бобокалонимиз номи билан аталадиган, марказида 1993 йилда буюк Сохибкирон хайкали урнатилган хиёбондан бошланади. Хиёбоннинг шимол тарафида 1996 йилда миллий меъморий анъаналар асосида Темурийлар тарихи давлат музейи барпо этилган. Гарб тарафида-Мустакиллик майдони сари боришда мустакиллик даври меъморчилигининг ажойиб намуналари булган Ёшлар ижод саройи, Тасвирий санъат галереяси кад ростлаган.

Шу кучадаги собик мустабид тузум давридаги катагон курбонлари хотирасига багишлаб барпо этилган Шахидлар хотираси мажмуси худудида 2000 йилда «Катагон курбонлари хотираси» музейини иккинчи навбатини кури, унинг

экспозициясини янгилаш буйича 2008 йилда кенг куламли ишлар олиб борилди. Амалга оширилган тадбирлар натижисида музей замонавий ускуналар билан жихозланди. Миллий меъморий анъаналарга суянган холда курилган бинонинг ташки куриниши шаҳарнинг умумий архитектураси билан уйгунлашиб кетди.

Республика Президенти ташаббуси билан 2009 йилда шаҳар марказида жуда киска муддатда ноёб меъморий обида-«Узбекистон» халқаро анжуманлар саройи қад кутарди. Бу бино тошкент шаҳрининг энг диққатга сазовор жойларидан бирига айланди. Унинг барпо қилинишида Узбекистон, Германия ва Грециянинг энг кузга-қуринган меъмор ва муҳандислари иштирок этишди. Бино 9,5 минг квадрат метр майдонни эгаллаган. Унинг гумбази остида учта зал жойлашган. Заллардан бири 2200 уринли булиб, қолган иккитасининг ҳар бири 300 уринлидир. Сарой қатталиги билан эмас, балки мухташам ташки қиёфаси билан ҳам кишини лол қолдиради. Унинг олд томони устунлар билан безатилган, усти эса шаҳар узра салобат тукиб турган, баландлиги 50 метрга яқин гумбаз билан ёпилган. Гумбазнинг устида бегуборлик, озодлик ва тинчлик тимсоли ҳисобланган лайлақлар хайкали жойлаштирилган.

Тошкент йилнинг ҳар қайси мавсумида ҳам қузни яшнатадиган даражада ям-яшил булиб туради. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ҳамда бевосита раҳбарлиги остида шаҳарда яшил ҳудудларни қупайтириш дастури ишлаб чиқилди. Бунда асосий эътибор шаҳарнинг ҳамда унинг ҳар бир майдони архитектурасининг узига ҳослигига қаратилда, қадимий анъаналар, туманларнинг жойлашуви ҳисобга олинди. Шаҳар майдонининг 30 фоизи қиска муддатда яшил ҳудудларга айлантилгани унинг экологияси сезиларли даражада яқшиланишига қумаклашди. Ҳозирги қунда ҳар бир тошкентликка уртача квадрат метрдан яшил ҳудуд тугри қелмоқда.

Фавворалар шаҳарнинг яшил архитектурасининг ажралмас қисми булиб, сунъий сув хавзаларининг умумий майдони 91 гектардан иборатдир.

Пойтахтимизни экологик жихатдан тоза ва озода сақлаб туришда унинг ҳудуддидан оқиб утадиган сув ресурсларининг аҳамияти беқиёс. Бугунги қунда пойтахт орқали Салор, Бузсув, Қорасув, Қайқовус, Дамаши ва Найман Толарик-

Баратхужа каби 7 та канал окиб утади. Улар умумий узунлиги 126 километр булган, 37 та магистрал каналдан иборат шаҳар сув хужалигини сув билан таъминлайди. Узунлиги 110 километрдан иборат, майда ариқларга булиниб кетадиган 51 та канал эса бу тизимнинг эна бир бугини ҳисобланади.[10]

Бугунги кунда шаҳарда 20 га яқин маданият ва истироҳат боғи ишлаб турибди. Сунги йилларда янги боғлар барпо этиш билан бирга, мавжудлари тулик қайта қурилди. Алишер Навоий номидаги Миллий боғ, Амир Темур хиёбони, Гафур Гулом, Мирзо Улугбек, Абдулла Кодирӣ, Бобур номидагӣ боғлар сулим дан олиш масканларига айланди. Пойтахтнинг яшил ландшафтида умумий ансамблни ташкил қилувчи хайвонот боғи, Аквапарк, Тошкентлендга пойтахт аҳолиси ва меҳмонлари катта иштиёқ билан ташриф буюришади.

Тошкентнинг асрлар давомида узгармасдан келган кўҳна қисми Эски шаҳар ҳам мустақиллик йилларида тубдан обод булди. Бу ердаги муқаддас Зиёратгоҳ-ҳащрати Имом мажмуаси тулик қайта қурилди. Эндиликда бу жой нафакат ватандошларимиз, балки бутун мусулмон олами вакиллари учун қутлуг қадамжога айланди. Айни пайтда шаҳардаги қўплаб тарихий обидалар-ХVI асрга мансуб Қўқалдош мадрасаси. ХIII-ХIХ асрларга мансуб Шайх Зайниддин бобо, Хужа Аламбардор Юнусхон, Шайх Хонаванд Тохур, Сузук ота макбаралари, Абулқосим мадрасаси ва бошқа тарихий ёдгориқлар реконструкция қилинди. Шу билан бирга Эски шаҳарнинг бошқа мавзеларида ҳам кенг қўламли бунёдқориқ ишлари олиб қориқди. Унлаб ижтимоий-маданий объектлар, янги турар-жой бинолари, қўприқлар ҳамда йўллар бунёд этилди, маҳаллалар ва гузарлар ободонлаштирилди.

Эски Жува бозори яқинида қад қўтарди-Болалар ижодиёти маркази ва Миллий либослар галерияси Эски шаҳарнинг қироийга қироий қўшди Амир Темур шохқўчаси бўйлаб Халқаро савдо-қўрғазма мажмуаси барпо этилди. Мажмуа «Интерконтинентал-Тошкент» меҳмонхоналари мажмуаси, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Халқаро бизнес марказ ва «Тошкент-плаза» савдо марказини уз ичига олади 1997 йилда қўрилган теннис қўртлари ва

ёпик хавзалардан иборат спорт мажмуаси ҳам пойтахтнинг куркига курк кушиб турибди.

Тошкент тарихидаги шонли сана унинг 2200 йиллик юбилеи халқаро куламда нишонланаётгани шахримизнинг бой тарихига, қўл асрлик анъаналари ва эътиборнинг яна бир ифодасидир. Президентимиз Ислам Каримов таъкидланганидек, Ватанимизнинг олтин остонаси азим Тошкент билан бутун Ўзбекистон халқи равишда фахрланади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Алишер Навоий номидаги Миллий богнинг (1991-1994 й.) ташкил этилиши билан Тошкент шаҳрининг марказий майдонларидан бири реконструкция қилинди. Бу комплекс Тошкент шаҳрининг асосий жамоат-рекреацион зонасини ташкил қилиб, одамларнинг кундалик катновтидан ташқари, «Навруз» ва «Мустақиллик» байрамлари ўтказилади. Бундан ташқари комплекс концерт зали, Ўзбекистон республикасининг парламент биноси-Олий мажлис, «Навруз» купфункцияли комплекс, «Саид Абул-Қосим» мадрасаси ва бошқа биноларни ўз ичига олади. Богнинг асосий элементи Алишер Навоий мемориал монументи бўлиб, шоир юбилеи муносабати билан қад қўтарган. Мустақилликдан кейин жамоат биноларининг архитектураси анча ўзгарди. Буларга мисол қилиб, Олий мажлис биноси, Оксарой-президент қароргоҳи, музейлар, театрлар, меҳмонхоналар, маъмурий бинолар ва бошқа бинолар қиритиш мумкин. Булардан энг асосийларидан бири Олий мажлис биноси бўлиб, у ўзида демократик принципларни мужассамлаштирган. Катта мажлислар зали бинонинг ядросини ташкил этади. У айлана амфитеатр шаклига эга бўлиб, секторларга бўлинган [ 14, с. 185 ]. Олий мажлис биноси киноконцерт зали, Абдулқосим мадрасаси ва А. Навоий мемориал комплекси билан ансамблни ташкил этади.

2007 йилда таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Ислам ташкилотининг (ISESCO) ҚАРОРИ БИЛАН, Тошкент шаҳри ислом маданияти турт пойтахтларидан бири деб эълон қилинди. Бундан мустақиллик йилларида ислом меросини сақлаш ва бойитишда улкан ишлар қилинганлиги маълум бўлади. Мустақиллик шарофати билан Тошкент шаҳридаги Ҳазрати Имом комплексида

хам президентимиз раҳномалиги билан улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. ( 71. ) Бунинг учун 500 млн. сум миқдорда маблағ ажратилди. Мавжуд бинолар қайта тикланди, янги бинолар қурилди, ён-атрофдагилар ободонлаштирилди. Бу комплексда Хазрати Имом мажиди, Барокхон мадрасаси, Муйи Муборак саждагоҳи, Ўзбекистон мусулмонлар идораси биноси ва бошқа бинолар қад қутариб турибди. Президентимиз 2007 йили қурилиши тугалланган комплексни қуздан кечириб архитектор ва қурувчиларнинг ишларига юксак баҳо берди.

2008 йил 2 апрелда қабул қилинган “Тошкент шаҳрининг 2200 –йиллик юбилейига тайёргарлик қуриш ва утқазиш тугрисида”ги президентимизнинг қарорига асосан Сузукота макбараси ва масжиди тулик қайта тикланди.

Кейинги йилларда “Шайхонтоҳур” маҳалласида ҳам қатта ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Президентимиз раҳнамолигида Шейх Хованди Тоҳур комплекси аввалги ҳлига келтирилиб атрофидаги майдонлар қуқаламзорлаштирилди.

Андижон. Бугунги қунда шаҳар ва қишлоқлар ободонлашиб, замонавий қорхоналар, қенг ва равон йулар, таълим ва тиббий муассасалари, спорт мажмуалари ва стадионлар, бог ва хиёбонлар бунёд этилаётганлиги шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасини, қишлоқда ҳаёт сифатини, ишлаб қикариш муносабатларининг мазмун-моҳиятини узгартиришга барча мажмуаларда хизмат қурсатиш ва сервис соҳаларида олиб қорилаётган ислохатлар қировард натижада ягона мақсадга – Ўзбекистон ҳалқи шу жумладан қишлоқ жойларда яшаётган қуқаролар учун муносиб турмуш шароити яратиш, одамларнинг даромади ва қаровонлигини изқил ошириб қориш ҳар бир инсонга узининг интеллектуал, қасб ва маънавий салоҳиятини қуёбга қикариш учун зарур имқониятлар яратиб қеришга қаратилгандир.

Республиқамизнинг барча вилоятларида булгани қабии Андижон вилоятида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Андижон қейинги йилларда мамлақатимизнинг саноати жадал ривожланган вилоятлардан бирига айланди. Шунингдек, вилоятда сервис ва хизмат қурсатиш

соҳаси изчил ривожланмоқда. Вилоятнинг шаҳар ва туманларида, кишлоқларида савдо мажмуалари, хизмат курсатиш шохобчалари сони тобора ортмоқда. Бу аҳолига қулайлик яратиб, жойлардаги инфратузилма ривожига катта хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 3 августда қабул қилинган «Кишлоқ жойларида уй-жой қурилиш қуламини кенгайтиришга оид қушимча қра-тадбирлар тугрисида»ги қарори бу борадаги ишлар салмоғини янада оширишда дастури амал бўлиб хизмат қилмоқда.

Вилоятда Шаҳрихон, Асака ва Олтинкул туманларида намунавий лойиҳалар асосида 60 та тураржойлар қуриб битказилди.

Ташриф чоғида Юртбошимиз Андижон шаҳар «Ўзбекистон», «Мустақиллик» кучаларида, «Истиклол» маҳалласида яқка тартибда қурилаётган тураржойлар ва хизмат курсатиш сервис объектлари «Болалар шаҳарчаси» мажмуаси ва Олтинкул туманидаги «Иттифок» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида намунавий лойиҳалар асосида битказилган замонавий уйларни қуздан кечирди.

Ҳеч қимдан кам бўлмаган барқамол авлодни вояга етказиш учун аввало, фарзандларимизга муносиб шароит яратиб бериш керак. Юртбошимиз Андижон вилоятида амлга оширилган улкан бунёдкорлик ободонлаштариш ишларини таъқидлар экан, ҳали қилишимиз зарур бўлган вазифаларга алоҳида эътибор қаратиш бўйича тегишли топшириқлар ва курсатмалар бердилар.

Бухоро. Буюқ ипак йулида жойлашган Ўзбекистон шаҳарлари ичида Бухоро меъморий ёдгорликлари катта давр мобайнида (IX-X асрдан то XX асргача) қурилган ва сақланиб қолинган. Бухоро оазисида 997 та архитектуравий ва архиологик ёдгорликлар сақланиб қолинган, бу ёдгорликлар шаҳарнинг қуп асрлик тарихи, маданияти ва юксак меъморчилигидан далолат беради.

Бухоро меъморий ёдгорликларини урганиш бошқа Ўзбекистон шаҳарлари каби XIX-XX асрлар чегарасида бошланган. 1920 йилда шаҳарни эгпллаш пайтида қуплаб меъморий обидалар ер билан яқсон қилинган, жуладан ҳозиргача сақланган Минораи Қалон, Нодир-Девон Беги хонақоси ва бошқа ёдгорликлар

кисман шикастланади [6]. XX-аср мобайнида Бухор меъморий ёдгорликлари чуқур урганилиб, уларнинг куплари давлат мухофазасига олинди.

Мустакиллик йиларида вақт утгани сари каровсиз холга келиб колган купгина тарихий обидаларимиз, масжиду мадрасаларимиз, жажоншумул ахамиятга эга булган ёдгорликларимиз уларга уз вақтида килган эътиборимиз туфайли кайта таъмирлаб аввалги холатига кайтарилди.

Мустакилликимизнинг дастлабки кунларидан республикамиз рахбарияти уз эътиборини жойларда каровсиз холда ётган табаррук зиёратгохларимиз, меъморий обиларимиз, ёдгорликларимизни обод килиш, уларга элтувчи йулларни шахарсозлик жихатдан тартибга келтириш ишларига каратди.

Мазкур меъморий мажмуаларникайта таъмирлаш ва уларнинг атроф мухитини бузиб турган курумсиз, пала-партиш курилган иморатларни олиб ташлаб, янги сайёхлик йуналишларининг очилишига олиб келди.

Бухоро вилояти худудида хаммаси булиб 660 та маданий мерос объектлари сакланиб колинган ва уларнинг 146 таси республика ахамиятига, 514 таси эса, махаллий ахамиятга эга булган объектлар хисобланади [64]. Ушбу объектларнинг 70 га яқини охириги йиллар ичида меъморий таъмирчилик вакиллари иштирокида кайта таъмирланиб, уларнинг атрофлари ободонлаштирилди.

Бухоро шахри яқинидаги Сумитан кишлогига жойлашган Чор-Бакр мажмуаси шарк меъморчилиги дурдонаси хисобланади. Бухоронинг ислом давридаги тарихи билан боглик куп воқеалар ана шу Чор-Бакрлар ва уларнинг авлодлари хаётига дахлдор.

Абдуллахон хукумронлиги даври (XVI аср) да курилган хашаматли хонакох, масчит ва макбаралардан хамда узига хос меъморий ечимдан иборат обида некрополь макомига эга. Узок каровсизлик оқибатида бу ёдгорликка катта путур етган эди. Республика ва вилоят рахбариятининг бевосита ташаббуси билан ушбу мажмуа 2000 йилда таъмирланди.

Буюк пир Бахоуддин Накшбанд ва ул зотнинг оналари Орифа она зиёратгохлари кайта таъмирланди ва атроф худудлари ободонлаштирилиб, шарк баналарига риоя килинган холда улкан бог яратилди.

Буюк аллома Абдухолик Гиждувонийнинг 900 йиллик юбилейи утказилиши муносабати билан 2003 йилда Гиждувон шаҳри маркази ҳамда Абдухолик Гиждувоний меъморий мажмуаси қайта таъмирланди ва атроф ҳудудлари ободонлаштирилди. Мирзо Улугбек томонидан курдирилган мадраса таъмирдан чиқди. Мадраса қаршисидаги ҳазира дахма урнига гумбазли айвон қурилди. Унда Абдухолик Гиждувонийнинг қабр тошлари қуйилган. Қадимда комплекс таркибига Мадраса –ханоқоҳ, унинг чап томонида минора, қарама-қаршисида ҳазира дахма ва айвонли масжид қирган [95 , 15-б]. Бугунги кунда Мадраса, минора уларга қарама –қаршида айвонли ансамбл мавжуд. Ансамбл атрофи қукаламзорлаштирилиб, Гиждувон шаҳрининг марказида гузал хиёбон ташкил этилган.

Шуни алоҳида қайт этиш лозимки, Бухоро вилоятида Етти пир силсиласига қирувчи Хожа Ориф Мохитабон Ар-Ревгарий, Хожа Махмуд Анжир Фағнавий, Хожа Али Ромитаний-Азизон, Хожа Мухаммад Бобойи Самосий. Хожа Сайд, Амир Қуллол қаби мутафаккир уламолар ва авлиёларнинг зиёратгоҳлари миллий меъморчилик услуб ва анъаналари асосида таъмирланди.

Бухоро шаҳрининг 2500 йиллигига тайёргарлик жараёнида Президентимиз Ислоҳ Қаримов ташаббуси ва раҳнамолигида Пойи Қалон меъморий мажмуи, Арқ қалъаси, Самонийлар макбараси, Болоҳавуз масжиди ва бошқа қуплаб обидалар таъмирланди, ҳудуди ободонлаштирилди.

Юртбошимизнинг шаҳсан ташаббуслари ва курсатмалари асосида Баҳоуддин Нақшбанд, Абдулхолик Гиждувоний меъморий мажмуалари қайта қурилди. Уларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги «Ноёб тарихий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш, Ўзбек халқи яратган ва миллий бойлик бўлган санъат асарларини излаб топиш, уларни Ўзбекистонга қайтариш маънавият дастуримизнинг муҳим бўлгани ташкил этади. Бу милли й бойлик бизга ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган. Бинобарин, биз ҳам уни қуз қорачигидай асраб-авайлашимиз ва фарзандларимизга мерос қилиб қолдиришимиз керак», деб айтган сузлари биз учун дастури амал бўлди.

Меъморий обидаларни таъмирлаш, кайта куриш, консервация килиш йулидаги бундай катта куламли юмушларга карамай, Бухорода шу каби узгаришлар учун навбат кутаётган ёдгорлик обидаларнинг куплиги, сизот сулар сатхи юкорилик, бошка катор экологик факторларнинг уларга салбий таъсири, обидаларни зудлик билан таъмирлашни токозо этар эди. Шу муносабат билан маданият ва спорт ишлари вазирлиги, вилоят хокимлиги Чор-Бакр меъморий мажмуасини таъмирлаш ва Хожа Сайид Амир Кулол, Хожа Исматуллох, Бухорий, Хожа Махмуд Анжир-Фагнавий меъморий мажмуаларини, Макбараи Бехиштиён зиёратгохининг кайта куриш вазифаларини илгари сурди.

IX асрдан XIX арсгача, яни минг йиллик давр мобайнида Бухоронинг илму маърифати, маънавий хаётида фаол катнашган Чор Бакрлар (Булар Абу Бакр Саъд, Абу Бакр Фазл, Абу Бакр Хамид ва Абу Бакр Тархон) авлоди номи билан боглик. XVI-XIX асрларда бунёд этилган Чор Бакр ёдгорлик мажмуаси мустабид тузум хукм сурган 70 йил мобайнида каровсизликдан аянчли холга тушиб колган эди.

1999 йилнинг май ойида Чор-Бакр комплексини хашар йули билан тиклаш учун вилоят хокимлиги томонидан кенгаш тузилди. 2000 йилнинг август ойида кайта тиклаш ва ободонлаштириш ишлари тугатилди. Бу ишлар натижасида 27 та объект кайта тикланди, мавжуд ховуз тартибга келтирилди ва ер сатхи 1,5 га пасайтирилди.

XX-асрнинг биринчи ярмида бузилган икки каватли мадраса биносининг пойдеворлари очилиб мустахкамланди ва эски улчов чизмалари асосида кайта курилди. Комплексни кайта тиклаш лойихаси 2000-2001 йилда Узбекистон Архитекторлар уюшмаси томонидан утказилган конкурсда энг олий мукофот- Гран-прини ва Москва шаҳрида утказилган “Зодчество-2001” курик-танловида I-тоифали дипломни олди.[6]

Меъморлар олдида 16,0 гектар майдонни эгаллаган , 27 та объектдан , 2 та ховуз, дарвозахона ва йулаклардан иборат бу мажмуани асл холида. Яъни меъморчиликнинг асрлар мобайнида Бухорода шаклланган кадимий анъаналарига тула риоя килган холда кайта тиклаш вазифаси турар эди. Ушбу мажмуани тулик

таъмирлаш–тиклаш бош режаси ва лойихасини ишлаб чиқишда тарихий хужжатлар, архив материаллари ва фотосуратларга таянилди. Шундан сунг кули гул усталар, курувчилар обидани жадал таъмирлашаг киришдилар, кенг куламдаги ишлар туфайли меъморий мажмуа кифаси тубдан узгарди.[5]

Масжид, хонакох, макбаралар таъмирланди. Уларнинг пойдевор ва деворларига таъсир этадиган сизот сувлари сатхини 2 метрга пасайтириш имконини берган умумий узунлиги 2 километрдан зиёд булган зовур казилди, 2 та тик кудук барпо этилди. Худудда бог ташкил килинди.

Буюк олим, шоир, файласуф Хожа Исматуллох Бухорий меъморий мажмуаси хам узига хос. Зиёратгоҳга туташиб кетган эски кабристон тартибга келтирилиб, дахмалар шаҳарнинг қадимий қалъаси бўйлаб меъморий мажмуага элтадиган янги йул қурилди. Зиёратчилар учун пантеон-айланма бино қурилди. Бу ерда Бухоро авлиёлар ва алломаларининг хикматли сузлари, уларнинг ҳаёт йулига оид маълумотлар жой олган. Мажмуада анъанавий услубда қурилган масжид, унинг олдида ёғоч уймакорлиги билан зеб берилган устунли айвон, бош иншоот-баландлиги 13 метр булган гумбазли макбара, 7 гектарли бог урин олган. Гумбазли макбара қурилишида Сомонийлар макбарасида қулланилган гишт териш услубидан фойдаланилди.

Макбараи Беҳиштиён зиёратгоҳи Бухоро шаҳрининг улуг олими-уламолари дафн этилган, аммо утган аср 30-40 йилларида бузиб ташланган қадимий Беҳиштиён мазорида барпо килинди.

Зиёратгоҳда ёғоч уймакорлиги анъаналари асосида безатилган нақшинкор дарвоза, гумбазли макбара ва кичикайвондан иборат, ичкарасида дахма қурилган гумбазли макбара узига хос бурчакли гишт билан ростланган устунлар макбарани кукка буй чузаётган сеҳрли иншоот иарзида намоён этди.

Вобкент тумани худудида XIII асрда яшаб утган буюк аллома Махмуд Анжир Фағнавий хотираси шарафига, у дафн этилган жойда қурилган меъморий мажмуа хам узига хос уринга эга. Ундаги макбара, масжид, дарвозахона ва ховуз Бухорога хос анъанавий усулларда барпо этилди.

Юкорида номлари келтирилган ёдгорликларни таъмирлаб тиклаш натижасида куйидаги мақсадлар кузлангани ва унга эришилди.

Биринчидан, улар халқимизнинг уз маданий мероси ва улар аجدодларига булган бекиёс хурмати рамзи булди.

Иккинчидан, обидалар орқали ёш авлодни ота-боболар мераси билан танишишга, умуман уларни миллий узликни англаш руҳида тарбиялашга хизмат килади.

Учинчидан, мазкур ёдголиклар Бухоро меъморчилик санъатининг узига хослиги мужассамлашди. Унутилиб кетилган «қир» қоришмаси технологиясини қайта тиклаб, Чор Бақр мажмуасини таъмирлашда кулланилди. Хожа Исматуллох Бухорий ва хожа сайид Амир Кулол мажмуаларида гумбаз боғлаш, минора қуриш санъати тикланди.

Навоий. Президентимиз Ислоҳ Абдулигида 2001 йили Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллиги муносабати билан, Навоий шаҳрида «Алишер Навоий» боғи ташкил этилди ҳамда боғ билан тутшиб кетган Халқлар Дустилиги шох қучаси бўйлаб узунлиги 1,5 километрдан иборат фавворалар ва Навоий асарларидаги гоёлар асосида яратилган хайкаллар билан уйғунлашиб кетган хиёбон бунёд этилди. Ушбу маскан бугунги кунда шаҳар аҳолисининг энг сеvimли гушаларидан бирига айланди.

Кейинги йилларда Навоий-Кармана шаҳарларининг яхлит бош режаси ишлаб чиқилиб, ана шу бош режани ҳаётга татбиқ этиш жараёни вилоят, шаҳар ҳокимлари ҳамда бош лойиҳа ташкилоти «УзшаҳарсозликЛИТИ» институти билан ҳамкорликда лойиҳа ишлари олиб борилиб, бир қатор қурилишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Навоий шаҳрида қурилган масжид, қатор академик лицей ва коллежлар, Хотира хиёбони ҳамда Навоий ва Кармана шаҳарларининг яхлитлигини таъминловчи Халқлар Дустилиги қучасини туташтирувчи, узунлиги 1 километрдан ортиқ булган янги қуча қурилишлари, Президентимизнинг халқ фаровонлиги йулида қабул қилган қарорларининг ижросини ҳаётга татбиқ этилишига яққол мисол була олади.

Шу билан бирга, Узбекистон Республикасининг Президентининг 2005 йил 30 августдаги «шахарлар, шахарчалар ва кишлок ахоли хуудларининг бош режаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнини такомиллаштириш чоратадбирлари тугрисидаги» ПК-165 сонли қарори ижросини вилоятимизда Навоий ва Зарафшон шаҳарлари, Нурота, Кизилтепа, Учқудук, Янгиробот, Кармана туман марказлари сингари шаҳарлар билан бирга Томди, Конимех шаҳарчаси ва Бешробот туман маркази қургонлари ва Малиқработ Шалқар каби қургонлар, шу билан бирга 505 та кишлок ахоли яшаш хуудларида яққол қуриш мумкин.

Шу жумладан, Навоий шаҳар бош режаси 2000-2003 йилларда «УзшаҳарсозликЛИТИ» лойиҳа институти томонидан қайта ишлаб чиқилди.

Маргилон. Маълумки 2007 йили Маргилон шаҳрининг 2000 йиллиги кенг нишонланди. Маргилон тўйига тайёргарлик доирасида амалга оширилган ишлар микёси ва мазмуни, аввало шаҳардаги тарихий обидаларнинг қайта тикланишида яққол мисол булди. Давлатимиз раҳбари Маргилонга ташрифи чоғида анна шундай иншоотлардан бири-Саид Аҳмад Хужа Эшон мадрасасида булди. 1870-1875 йилларда қурилган бу комплекс айни вақтда маргилонлик хунармандлар марказига айлантирилган. Бу комплекс уз даврининг таникли зиёлиларидан булган Саид Аҳмад Хужа томонидан бунёд этилган. [17].

Маргилоннинг узок утмиш тарихини урганиш учун УзФА Археология институти махсус экспедиция уюштирди. Экспедиция 1994-1999 йиллар давомида Маргилонсой хавзасида ва шаҳарнинг гарбий қисмида жойлашган “Машъад” маҳалласида археологик-географик тадқиқотлар олиб бориб, сунъий сугорма ва дехқончилик, шаҳар маданияти тарихига оид муҳим далилларни қулга қиритди. Маълум булдики, Маргилонсой хавзасида илк сугорма дехқончилик мелоддан аввалги икки минггинчи йилларнинг иккинчи ярми бошларида бошланган экан.

Мелоддан олдинги X-IX асрларга келганда бу ерда бир неча юзлаб гектар ерлар узлаштирилиб, сугорма дехқончилик кенг йулга қуйилган. Мелоддан аввалги IV асрда ҳозирги Фаргона шаҳрининг истироҳат боғи урнида урбанизациялашган шаҳар қуринишидаги Симтепа қароргоҳи пайдо булган. Аникланишича, мелоддан аввалги I асрнинг иккинчи ярмида пайдо булган

Маргилон шаҳри ҳозирги “Машъад” маҳалласида жойлашган булиб, “Машъад” қабристонидан бошлаб Қизлартепа ёдгорлигигача булган йигирма гектардан зиёд ҳудудни эгаллаган.

Тадқиқотлар давомида 2000 йил аввал пайдо булган Маргилон шаҳрининг майдони ва унинг тарихий топографиясини аниқлаш учун ҳозирги Маргилон ҳудудидида 50 га яқин жойда казишмалар ва қузатувлар олиб борилди. Натижада, Маргилоннинг узок утмиш тарихи ва унинг динамик ривожланишини тиклашга эришилди. [8]

Маълум булишича , мелодий эрадан аввалги иккинчи асрида шаҳар Маргилонсой соҳили буйлаб жанубий-шарқ ва шимолий-ғарб томонга кенгая бошлайди. Худди шу даврда ҳозирги Тошлоктепа маҳалласидаги (Қизилтепа) ёдғарлиги урнида шаҳар ибодатхонаси бунёд этилди. Ибодатхона шаҳарнинг чеккасида махсус тахтсуфа устида қурилган. Ибодатхона асосан икки қисмдан иборат булиб, марказда тугри туртбурчаклик 6х6 м хона, уни атрофида айланма коридор бор. Ибодатхона деворининг қалинлиги 1 метр. Марказий хонада муқаддас олов ёниб турган махсус учок жойлашаган. Маргилон ҳудудиди топилган археологик қазилмалар ва этнографик қузатишлар мисолида бир неча диний қарашлар ҳамда эътиқодларни қуриш мумкин. Қадимги маргилонликлар орасида оловга сизиниш, унинг муқаддаслигини эътироф этиш, улуглаш мелодий эранинг бошларида жамият қонуни даражасига қутарилган. Буни биз юқорида тилга олинган монументал олов ибодатхонаси мисолида қуришимиз мумкин, яни монументал архитектурага эга булган ибодатхонанинг қурилиши шаҳар жамоалари орасида оловга булган муносабатни қонунаштирилиши эди. Оловни муқаддаслигини улуглаш ислом дини гуллаб-яшнаган даврларда ҳам жамиятда, оилада уз урнини саклаб қолади. Хаттоки ҳозирги қунларда, утган авлодлар хотирасини эслаб утқазилаётган оилавий маросимларда ҳам муқаддас оловни четлаб утилмайди. Оловни келиб чиқиш ва унинг муқаддаслиги ҳақида Австралиядан бошлаб то Американинг ерли халқлари орасида ҳам ҳар хил ривоятлар ва ҳикоялар сакланган. Хиндларнинг муқаддас китоби “Ригведа” да

олов худо урнида кабул килинган, Эрон зардуштийлари эса оловни худо томонидан яратилган мукаддас нарса деб ҳисоблаганлар.

Юнеско томонидан 2007 йил Маргилон шаҳрининг 2000 йиллиги нишонланиши муносабати билан унинг меъморий обидаларини урганиш ва қайта тиклашга ката эътибор берилди. Архитектура тарихида Маргилон меъморчилиги жуда кам ёритилган. 2007 йил архитектура доктори Юсупова М. А. томонидан Маргилон шаҳрининг урта аср меъморчилигини урганиш учун экспедиция уюштирилди. (6). Маргилон-Фаргона водийсининг йирик маданий-маиший марказларидан ҳисобланади. Унинг ҳимоя деворлари туртбурчак (2\*2 км) шаклда булиб, XIX асрда тулик йуколади. 1842-1845 йиллар Шер Алихон даврида Маргилон анча ривожланиб диаметри 8 км булган айлана кургонга эга эди. Шаҳарнинг 12 та дарвозаси булиб ундан асосий кучалар марказ томон борар эди. Марказда асосий монументал бинолар-хоннинг касри-урда, мадрасалар, хонако ва масжидлар жойлашган эди.

XIX- асрнинг охирида Маргилонда куплаб диний бинолар қурилди. 1898 йилда Фаргона области Маргилон (унинг атрофидаги) 243 та масжид, 57 та мадраса ва куплаб мактаблар бор эди. Кейинчалик статистик маълумотларга қараганда 1913 йилда Маргилонда масжидлар қошида 38 та қорихона, 38 та мадраса ва 12 та диний мактаблар бор эди [6].

Маҳалла масжидлари анъанавий булиб, қарийб ҳар бир маҳаллада бор эди. Бу масжидлар одамларнинг 5 маҳал намоз уқишига мулжалланиб, бошқа иншоотлар билан комплекс тарзда жамоа марказини ташкил этар эди.

Маргилон XIX-XX аср бошида қурилган маҳала масжидларининг 20 га яқини сақланган. Булар Хужа Порсо, Чақар, Жаҳр, Хужа Иғиз, Кафтарлик, Думба Жуз, Муи Муборак, Ширмонпаз ва бошқалар. Юқоридаги масжидлар узига ҳос қуринишга эга булса ҳам умумий планировкага эга. Масжид биноси ёпик хона – кишки зал ва унга бир, икки ёки уч томонидан қушилиб кетган айвонлардан иборат. Масжидларнинг конструкциясига келсак, пойдевори пишиқ гиштдан, деворлари қуш ёғоч қарқасдан иборат булиб, қарқаслар ораси ҳам гишт ёки гувала билан тулдирилган. Томлар текис булиб, ёғоч устун ва деворларга таянган.

Жуда кам холларда устунларга таянмасдан ёпилар эди. Тусинлар устидан васса ташланиб, унинг устидан каимш ташланар эди кейин лойшувок килишар эди. Купгина махала масжидларнинг ховлиси булиб. Ховли атрофида керакли бино ва иншоотлар комплекси: мактаб, хамом, тахоратхона ва бир нечта хужалик хужралари жойлашган эди. Ховлига кириш дарвозахона типиде ечилган булиб, ховлида албатта ховуз ва унинг атрофида куп йиллик дарахтлар бор эди.

Меъморий накш буйича Маргилоннинг энг ёркин масжидларидан бири бу Хужа Порсо масжиди хисобланади. Бу масжид 1969 йил махаллалардан бирида курилган. Залдаги 2 та устун ва тусинлар залнинг шифтини 6 та квадратга булган.

Маргилон архитектурасига хос масжидлардан бири бу ширмонпаз масжиди булиб, у 1906 йили нонвойлар махалласида курилган. Кишки залнинг икки томонидан Г-шаклда айвон жойлаштирилган.

Фаргона водийсида Маргилоннинг жума масжиди, турт устунли зал ва унинг 3 томонидан куп устунли айвон жойлаштирилган.

1913 Маргилонда 38 та мадраса бор эди. Улардан яхши сакланганлари Саид Ахмад Хожи (XIX аср ) ва Козиён мадраса-масжиди хисобланади. Бу мадрасалар анъанавий ховлили тарзга эга.

Хива. Узбекистон шаҳарлари ичида Хива шаҳрининг шаҳарсозлик маданияти мадраса-масжиди карвонсарой, Тим ва колаверса тураржойлари алохида жозоба ва хусусиятга эга. Жамоат бинолари шаҳар ва район марказларининг асосий элементи хисобланади. Уларнинг тархий ва функционал боғланишлари транспорт магистраллари, кучалар ва пиёда йулаклари билан шаҳар тархий тузилишини ташкил этади. Бу тизимда жамоат бинолари меъморий доминантлар ролини уйнайди. Буни Тошкент, Самарканд, Бухоро, Андижон ва бошқа шаҳарларимизнинг марказлари сифатида куришимиз мумкин. Жамоат бинолари одамларнинг жамоавий эҳтиёжини кондириб, тарихдаги маълум даврнинг ижтимоий, маданий ва техник ривожланганлигини курсатади.

## **1.2. Урта Осиё шаҳарлари марказий кучаларида жойлашган тарихий савдо маказлари**

Савдо маркази типдаги бинолар Марказий Осиёда қадимги даврлардан мавжуд бўлиб [16], қушни давлатлар билан савдо-сотик ва маданий алоқалар олиб борган. Бу давлатлар узаро қарвон йуллари билан боғланиб, савдо-сотикнинг бутун дунё бўйлаб кенг қамровда ривожланиши ва қадимги Қарвонсаройлар қурилишининг шаклланишига олиб келди.

Қарвонсаройлар фақат сахро, чуллардагина эмас, шаҳарларда, узок тоғ қишлоқлари билан шаҳарлар оралигидаги йуллар бўйида ҳам қурилган. XVIII-XIX асрларда Марказий Осиё шаҳарларида, жумладан Бухорода 60 та, Тошкентда 45 та қарвонсарой бўлган. Умуман, қарвонсаройлар хоҳ сахро, хоҳ шаҳарда бўлсин, йуловчилар учун тухташ манзили, савдо маркази вазифасини утаган [17]. Самарқанд ва Бухоро воҳаларида бозорлар қадимдан мавжуд. Урта Осиёнинг қуплаб шаҳарларини Буюк Ипак Йули кесиб ўтганлиги сабабли ҳам савдо-сотик жуда яхши ривожланган. Марказий Осиё шаҳарларида бозор ва қарвонсаройлар иқтисодий ва қундалиқ ҳаётда ката уринни эгаллаб келган. Бозор ва қарвонсаройларни ривож ва фаолияти билан бой савдогарлар, мансабдор шахслар шугулланган. Шаҳр бозорларининг ривожланиш тарихи илк антик шаҳарлардан то қечки урта асрларгача ўз ичига олади. Қизик томони шундаки, бу жараён шаҳарларнинг ривожланиши билан боғлиқ.

Бу шаҳарларда қуплаб бозорлар, дуконлар, расталар, устахоналар бўлган. Бозорларга яхши ва сифатли молни етказиб бериш кераклиги сабабли, ишлаб чиқариш, яъни хунармандчилик яхши ривожланиб борган. Савдо-сотик қучайгани сайин бозорларда рақобат ҳам қучли бўлган. Шу сабабли ҳам хунармандлар доимо изланишда бўлиб, махсулотларнинг сифатини яхшилаб, малакаларини янаям ошириб боришган. Бу шаҳарларнинг аксарият қисми савдо-сотик ва хунармандчилик орқали қун қуришган. Савдо марказлари Урта Осиё ҳудудида қадимдан шаҳар марказларида қатта йуллар туташган жойларда жойлашаган. Қатта магистрал чорраҳалар қесишган жойларда мураккаб тузилишга эга ҳама томонлари очик гумбазлардан ташкил топган иншоотлар бўлиб, “чорсу ва ток”

деб номланган. Бундайин иншоотлар Бухоронинг эски шаҳар қисмида қуплаб сақланиб қолган. Уларнинг номлари “Токи-Саррафон”, “Токи-Заргарон”, “Токи-Телпақфурушон” деб ажратилади. Гумбазларнинг номлари ҳозиргача сақланиб қолган бўлиб, уз фаолиятини йукотгани йук. Бу гумбазларнинг ҳар бири узига хос ҳунармандчилик устахоналарининг борлиги, расталар, темирчилар, заргарлар, қулоллар, гилам ва кашта туқувчилар қаби барча соҳадаги ҳунармандлар билан фарқланади. Бу ерларда эртадан кечгача савдо-сотик давом этиб тинимсиз шовкин-сурон, меҳнат қуроқлари товушлари эшитилиб турган. Урта Осиёдаги аксарият шаҳарлар савдо йуллари бўйлаб шаклланганлигига гувоҳ бўламиз. Уша вақтлари шаҳарлараро йуллар тухташ жойларида работлар бўлган (масалан, Кармана ва Гиждувон оралигидаги Работи малик). Шаҳарлар бош қучаларининг қесишган чорраҳаларида бозор иншоотлари – “чорсу” ларнинг жойлашиши, шаҳар марказида Регистонларнинг бўлиши тарихий шаҳарларнинг хусусиятли жиҳатлари бўлган. Бозорларни урганиш учун янаям қадимги давр маълумотларига эътиборингизни қаратсак. “Авесто” битикларида “човрусук” сузи қулланилган. Олимларимизнинг фикрича бу “турт томонли” бозор деган маънони “чорсу” ни англатади. IX асрдан бошлаб бозорларнинг шаҳарнинг иқтисодий маркази сифатида шакллана бошлади.

Бозорларнинг шаклланишида савдо қарвонларининг узига хос ҳаракатланиш имқонияти муҳим роль уйнаган. Испания элчиси Қловихо ҳам Самарқанддан Бухорогача босиб утилувчи масофани 6 қунлик қарвон йулига тенг эканлигини ёзади [16]. Маълумки, савдо қарвони тухтаган жойда работ ёки қарвонсаройлар қурилган, савдо-сотик ишлари қучайиб, кейинчалик бозорлар вужудга қелган.

Бухоро шаҳридаги савдо расталари асосан “чорток” типиди лойиҳаланган. “Чорток” тарҳи қвадрат шаклда бўлган ва турт томонига бирдай 4 та тарафи очик бўлган қушқдир. Олимларимизнинг фикрича, чорток бу улқада ислом қабул қилинишидан илгари юзага қелган. Жумладан, проф. М. Қ. Аҳмедов чорток қурилмасининг IX-X асрдан бошлаб нафакат макбаралар қурилишида, балки ҳонақохларнинг тарҳида ҳам қенг қулланилганлигини ёзади [5]. Масалан, Бухоро

тарихий савдо иншоотлари меъморий ечимининг нигизида чорток композитцияси ётганлигини курамыз.

Урта Осиёнинг урта асрлар меъморлари куллаган меъморий лойихалаш услубининг асл мохияти шундаки, унда бир йула уч хил мутаносиблик доимо ёнма-ён булган. Булар хандасавий, арифметик ва модули мутаносибликлардир [5].

Чунончи асосий чоррахаларда Токи Ордфурушон, Токи, Заргарон, Токи Телпакфурушон ва Токи Тиргарон номли бешта Чорсу типдаги гумбазли савдо иншоотлари бунёд этилган. Бу савдо гумбазларининг биринчиси ва охиригиси бизнинг асримизда вайрона холига келганлиги туфайли бузиб ташланган. Колган учтаси хозирги кунда ҳам салобат тукиб, шаҳар асосий йуналишларини белгилаб турибди. Бу савдо гумбазлари бугунги кунда ахолии орасида биринчи, иккинчи, учинчи гумбаз (баъзилар “кумпол” дейишади, бу русча “купол” сузининг бузилиб ишлатилишидир) ёки ток деб юритилади. Шу лардан учинчи гумбаз ёки Токи Заргарон деб номланадиган қадимий шаҳристон чоррахасида жойлашган булиб, XV аср бошида ҳам буж ой Чорсу деб номланганлиги маълум. Токи Заргарон деб аталишининг узи уз номи билан заргарлар гумбази эканлигидан далолат бериб турибди [10]. Бу бинонинг тархи квадрат куринишига эга. Унинг марказий композитцион уклари буйлаб турт пешток турттала куча томонга қаратилган. Иншоотнинг марказий қисми саккизта узаро кесишган тоқлар воситасида купбурчакли устиворининг ун олти панжараси бор. Ички томонида эса тоқлар кесишуvidан хосил булган гажжак ( шитовидний парус ) деворлар билан купбурчакни боғлаб турибди. Марказий гумбаз ичидаги бино бурчаклари туртта ва унинг атрофидаги усти кичкина гумбазчалар билан ёпилган йулак қисми эса саккизравокли қилиб қурилган. Йулак ташки деворининг ичкари томонида яна 16 та равок ишланган. Хар қайси пештокнинг икки ён қисмида (олд томонида) яна 2 тадан равоклар ишланган булиб, улар жами 36 та дукон ва устахоналар жойлашишига мулжалланган. Токи Заргарондан жанубгача чиқадиган пештоқи ёнида бизнинг асримизда бузиб ташланган уша даврда Хинд қарвонсаройи деб аталган қарвонсарой булган. Ундан қуйироқда эса 1577 йилда қурилган савдо иншооти – Абдуллахон Тими жойлашган. Агар Токи ва Чорсуларда кечаси дукон

ва устахоналар ёпилиб, кесиб утган кучалар утиш жойи сифатида фойдаланилган булса, Тим ёпик иморат тарзида ишлатилган ва шу жихати билан бугунги кундаги катта магазинларни эслатади. Абдуллахон Тими камёб ва кимматбахо газмоллар савдосига мулжаллаб курилган. Бу иморат тархи ҳам квадрат шаклида булиб, бинонинг бош кириш йуллари Токи Заргарондан Токи Телпакфурушонга бориладиган савдо кучаси каратилиб, кучанинг шаркий бетида курилган. Бино тарз (фасад)ининг марказида бир асосий ва икки чеккасида яна икки кичикрок пештокли эшиклар урнатилган. Иморат марказида саккиз бурчакли пастак устиворга ката асосий гумбаз урнатилган. Унинг шарк ва гарбида асосий йулак устига чузинчок шаклидаги туйникли гумбазчалар курилган. Шунингдек катта гумбазда ҳам ёриткич туйнуклар мавжуд. Бино ичида жами 55 та савдо равоклари жойлашган.

Абдуллахон Тимидан жанубга караб йуналган кучанинг икала томонига раста, дуқон ва устахоналар курилган булиб, мазкур куча зич холда шарх томонга нисбатан сингак йуналиш буйлаб Бозори Корд хаммоми ёнидан утиб Токи Телпакфурушонга олиб чиқади.

Телпакфурушон токи савдо гумбази узининг меъморий ечими жихатидан бошка савдо гумбазлари ва умуман гумбазли бинолар ичида ажралиб туради. Унинг марказий гумбази 6 та пиллапояга урнатилган. Гумбаз ва махрут ораси пастак думалок устивор шаклига эга. Гумбаз маркази ва махрут деворларидан ёруглик тушадиган махсус туйнуклар ишланган.

Токи Телпакфурушоннинг шимолий йулагида балхи гумбазлари, ичкарирокда турт ката равокка энгаштирилган кичик равокчаларга курилгангумбаз гажжак каносли ва устиворли гумбаз сингари турли конструкциялар кулланилган. Ундан жанубий шаркка ва жанубий гарбга карата куш равокли икки кирган йули ва худи шу тарздаги уч томонга каратилган пештоқлар ишланган.

Яна бир савдо гумбази бу олдинги иккитасидан жанубий юкорирок томонда жойлашган (Бухорода 1-“кумпул” яъни русча “купол” яъни 1-гумбаз дейилади) Токи Саррофон (яъни пул алмаштирувчилар) гумбаздир. Бу савдо гумбази олдинга иккитасидан кичикрок булиб, унинг асосини “линга зарба” 1243678

усулида узаро кесишган турт катта ток тепасидаги думалок устиворга урнатилган анча тик куринишли гумбаз ташкил этади. Гумбаз юкорисида саккизта кичикрок пилпоялар устига яна бир кичик гумбазча урнатилган. Бинонинг шимолий-гарбий бурчагидан унинг ёнидан окиб утувчи Шохруд аригига зинапояли тушиш йулаги урнатилган.

Токи Саррофоннинг жанубий йуналишида шу номли хаммом жойлашган. Умуман Бухоро хаммомлар урта аср Урта Осиё меъморчилигида кенг таркалган хаммомлар турларининг асосини ташкил килади. Бинобарин буларнинг барчасига хос булган биринчи омил иссиқни тежаш мақсадида қисман (тахминан ярмиси) ер остига туширилиб қурилганлигидир. Уларнинг баъзи бирларида хоналар мавжудлигини қурағиз: роҳрав (йулак), пой шуйи аввал дастлабки оёқ ювиш хонаси), пой шуйи сони (сунгрок оёқ ювиш), миёнсарой ва унга туташтириб қурилган гармхона (иссиқ хона), хунук хона (совук хона), ходимхона. Миёнсарой бино марказида жойлашган асосий чумилиш хонаси булиб кенг ва баланд гумбазли қилиб ишланган. Унинг тепасида (ойна билан тусилган, ёруглик-туйнуғи қолдирилиб, ён девор томонларига чуқур равоқлар, марказ, бурчак ва атрофиларига супалар қилинган. Супа ва равоқлар қолган барча хоналарда ҳам булган. Иссиқхона ва совукхоналарда иссиқ ва совук сув учун махсус ховузлар булган. Иссиқхона орқасида қудук ва гулах (иситиш хонаси) урнашган. Гулахда сув иситилиши билан бирга ер ости йулларига иссиқ хаво юборилиб хаммом хоналари (совук хонадан бошқаси) иситилган. Асосий хоналар поли ката мармар тахталардан ишланган. Ювинди сув тозорлар орқали шаҳардан ташқарига обпартавга чиқарилган.

### **1.3. Тарихий савдо марказларининг хажмий-фазовий тузилиши**

Қадимдан Урта Осиё, хусусан Ўзбекистон меъморий обидаларга бой ҳудуд ҳисобланади. Бу улқада антиқ даврдан бошлаб узига хос тарх ва тарзга эга иморат қурилиши илк урта асрларга оид Варахша, Болаликтепа, Афросиёб саройлари, Панжакент иморатларидагида ҳам қуришимиз мумкин [12]. Иморат тархи, умумий қурилиши ҳамда ички қурилиши унинг фаолият вазифасидан

келиб чиқади. Бинонинг меъморий-фазовий ва декоратив сифатларининг ечимида курили шва бадий услубларининг ҳамда хом ашёларининг кулланиши ката ахамиятга эгадир. Ушбу курсаткичларга табиий-иклимий шарт-шароитларни ҳам уз ичига олади.

Самарканд ва Бухоро - «Савдогарлар шаҳри» деан номларни олишган. «Буюк Ипак Йули» нинг марказий тугунларидан бири булган. Самарканд ва Бухоро азалдан савдо-сотик учун кулай маскан булган. Константинополдан драп, Пешавердан инглиз сатини, Москвадан шойи узлуксиз равишда етиб келган. Самарканд ва Бухородан эса пахта, коракул териси, олтин каби нодир моллар чет давлатларга карвонлар оркали етказиб берилган.

Кутара савдо тизимида карвонсаройлар асосий уринни эгаллаган. Катта микдорда келтирилган мол карвонсарой омборларига жойлаштирилиб, тегишли харидорларга етказилган. Карвонсаройлар одатда мусофир савдогарлар учун бошпана вазифасини утаган. Шаҳар марказида, бозорларга якин жойларда энг яхши карвонсаройларнинг булганлиги савдогарларга кулайликлар яратган. Саройи Пахта, Саройи Барркалон, Саройи Мирзо Гул, Хинд карвонсаройи , Аёзхон карвонсаройи ... Бу руйхатни хали куп давом эттирса булади. Лекин хама номлар ичида Хинд карвонсаройи номи укувчини кизиктирмай колмайди.

Бухорода Хинд карвонсаройи Токи Телпакфурушон ва Токи Заргарон оралигидаги савдо расталари каторида жойлашган. Куринишидан мухташам булмаган бу бино 400мг квадратга эга филхонаси (филлар билан келган Хинд савдогарлари филларини саклайдиган жой) булган. Бошка карвонсаройлардан шу жихати билан ажралиб турувчи бу бино халк орасида «Саприйи Фил» деб аталган.

Карвонсарой тахтда тугритуртбурчак шаклида булиб, пастки чап бучаги Токи Заргарон билан кушилиб, бирикиб кетган. Бу усул биноларни яккаланиб колмасдан, бир бутун меъморий композиция хосил килишда хизмат килади. Карвонсаройда 27 та хужралар булиб, улар ички ховлига чиқади. Хужралар катта булмай 4400 х 2000 х 3500 см улчамларга эга.

Оптимал танлаган улчамлар хужраларда муътадил микроиклим яратган. Карвонсаройларнинг бош тарзида савдо дуқонлари жойлаштирилган булиб, улар кучадаги савдо расталарига кушилиб кетган. Кучадан савдо расталари вазифасини бажарган бу бинога кириб борсангиз сизни ички ховлиги шинам хужралар катори карши олади. Бу бинонинг икки функциялиги курсатади, яъни бинодан максимал даражада фойдаланилган. Демак, бинони шаҳар тизимидаги жойлашишига караб кулай функцияларга мослаштирилган. Қадимги бинони график кайта тиклашда ички ховли ( XX аср ) нинг улчамлари 3 сонига қаррали эканлигини таъкидлаш лозим. Яъни 1 модуль – 30 сантиметрга тенг. Қадимда меъморлар қарич, тирсак, кадам каби улчов бирликларидан фойдаланганини инобатга олсак, бу бинонинг меъмори ҳам 1 тирсак – 30 сантиметр улчов бирлигидан фойдаланган. Бинонинг ҳар бир улчамини тиклашда шу модульга асосландик.

Афсуски, бу бино бизнинг қунгача етиб келмаган. Бугунги кунда қарвонсарой эгаллаган майдон назарда четда қолган булиб, унинг шаҳарсозлик архитектуравий ечимини паст даражада. Ушбу майдонда вақтинча ободонлаштириш ишлари олиб борилган. Қарвонсарой узининг функциясида фаолият қурсатмаса ҳам, уни ҳунармандлар маркази, савдо-сотик шаҳобчалари, сайёҳлар маркази сифатида ҳам фойдаланиш мумкин. Бу бинонинг тикланиши Бухоро эски шаҳарининг нодир меъморий ансамбллари тулдириб, уни тарихий жозибасини қисман булса ҳам тиклашаг хизмат қилади.

Жуда қадим замонлардан тоғ тоши, хом гишт ва паҳсадан нафис тарзда безатилган тарихий обидалар ва меъморий шакллар барпо этилди. Гарчи бу улқа ёғочга бой булмаса-да, ундан устун, тусин, тоқи каби қурилмалар яшаш йулга қуйилади, гоёт нафис уймақорлик элементлари ишлаб чиқилади. Кейинчалик пишиқ гишт қуллаб тоғ, равоқ ва гумбазости қурилмаларининг бениҳоя турли туман шакллари ишлаб чиқилдики, уларни урганиб чиқиш яна бир неча йилларни талаб этади. [7]

Айниқса сирланган сопол гиштчалар уйлаб топилгандан кейин парчин, қошин ва қошинбуруш санъати алоҳида тарққийёт чуққисига қутарилди. Геометрик

уйгунлаштириш ва мутаносибликни куллаш туфайли гузал иморатлар барпо этилди. Хаттотий , ислимий ва геометрик накш турлари-махсус санъат даражасига кутарилди. Тураржой бинолари барча шароитларни ҳисобга олган бино турларини келтириб чикарди. Урта асрларда буларнинг амалга ошишида шу ерда яратилган файласуфона йуналиш тасаввуф, суфизмнинг хизмати катта булди. Чунки “Даст ба ёру, дил ба кор” шиори била ниш юритувчи бу фалсафий караш марказида инсон асосий омил сифатида тушунилган.

Тарихда Доя хотин работининг дастлабки номи тарихий манбаларда келтирилиши буйича Тохирийлар сулоласининг асосчиси Тохир ибн Хусайн (776-822 йиллар) курдирган ва Тохирия карвон саройига мукояса этилган. Бу иншоотнинг асосий биноси тархи квадрат тарзида булиб, томлари 53 х53 метрни ташкил этади. Бино деворлари хом гиштдан ишланган булиб ички ва ташки томонидан 28 х 28 х 5,5 см улчамли пишик гишт билан копланган. Деворларнинг ташки турт бурчаги мустаҳкам буржлар билан мустаҳкамланган. Бинога пешток оркали утилувчи йулдан кирилган. Кириш йулагининг унг ва чап томонида бирдан-бирига утиладиган хоналар жойлашган. Карвон сарой турида гумбаз ёпилган , томонлари 4,3 м дан иборат квадрат хона жойлашган. Колган хоналар 39 х 39 метрли ховлига каратиб курилган, улар токлик айвон оркали бири-бири билан боғланган. Бу ерда кам куббали гумбаз, ҳам балхи гумбази, ҳам ширвони ёлма учрайди. Куббали гумбазга утувчи квадрат бурчак канос (парус) лари гиштни осилтириб чиқариб, устма-уст бурчакли чиқарилиш (консол) лар воситасида бажарилган. Карвон сарой биноси работ билан ташкари томонидан ураб олинган.

Работи Малик карвон саройи эса 1078-1079 йилларда Қорахоний Шамс ул-Мулк томонидан курилган, деб тахмин қилинади. Бир қатор олимларнинг фикрича бу бино буюртмачиси номаълумдир. Бу иморат ҳам хом гишт (28 х 28 х 6,5 см ) дан курилиб, 24 х 24 х 4 см улчамли пишик гишт билан пардозланган. Ҳозирги кунда факатгина пештоқи сақланиб қолган бу бинонинг тархи 86 х86 улчамли квадрат шаклида булган. Деворларининг баландлиги 12 метр эканлиги унинг икки ошёналик буганлигидан далолат бериб турибди. Бино икки қисмдан

иборат булган. Пештоқдан киргач кундаланг жойлашган ховлига чиқилган, унинг туртала томони хоналар билан ураб олинганлиги аниқланган.

Ховлининг туридаги иккинчи қисми марказида ката гумбазли сарой ва атрофлари яхлит томли хоналар жойлашган. Олд қуринишининг икки бурчаги икки минора безаб турган. Миноралардан пештоқгача булган девор оралигида кунгурадор ( русчасига гофр) яримустунлар жойлаштирилган булиб, уларнинг усти равок тоқлари билан бирлаштирилган. Бир вақтлар бу работ ката комплексдан иборат булган ва ҳозирги кунда карама-қаршисида сардоба сақланиб қолган.

Харҳолда сардобалар қурилиши биз қуриб чиқаётган даврда шаҳарлар оралигида жойлашган қарвон саройлар – работлар учун хос нарса булса керак. Чунки қупинча сардоба шу ердаги бирдан бир сув манбаи булиб хизмат қилган. Бу иншоотлар гумбазли сув йиғгич – айланасимон тарзида қурилган. Улар махсус иншоот орқали қорва ёмғир сувларини, баъзан қудуқлардан оқизилган сувларни узок муддатга йуловчилар учун сақлашга хизмат қилган.

Маълумки Урта Осиё жуда қадим-қадим замонлардан Шарқ билан Ғарбни, Жануб билан Шимолни узаро боғлаб турган. Шунинг учун ҳам савдо йуллари ва унда жойлашган қарвон саройлари айниқса Буюқ Ипак Йули қатта аҳамиятга эга булган [12].

-Аҳоли пунктлари орасида жойлашган қарвон саройлар “работ” деб номланган. Аввалги бобда айтиб утганимиздек бу иборада шаҳарнинг марказий қисмини номлаш учун ишлатиладиган рабод фарқ эта билиш керак.

Мовароуннаҳрда IX-XII аср работ ва қарвонсаройларнинг қупчилиги йуқолиб қетган булиб, қуплаб Тошработ, Қушработ, Оқработ сингари жой ва номларигина сақланиб қолган. Хуросон саҳроси сарҳадларида эса Доҳистон ва бошон яқинидаги ҳамда Ахча қалъаи Сули тепа, ал Аскар, Бейловли қаби қатор работ харобалари бор.

Вайрона холида бизгача етиб қелган қарвон саройлари орасида Чоржуйдан тахминан 170 км шимолда жойлашган Доя хотин ва Қармвнадан 25 км қажанурукдаги Бухоро йулида жойлашган Работи Малик иншоотлари қатта

ахамиятга эга. Бу работларнинг хар иккиси хам мутахкам мудофа системасига эга булган. У ерда тухтаган карвон учун бир неча соатдан бошлаб, бир неча кунгача тирикчилик утказиш имкониятлари яратилган булган.

Хажмий фазовий ечими – карвонсаройлар шахарларга етмасдан савдогарлар дам олишлари учун хар маълум бир масофада курилган. Уларнинг хажмий тузилишида асосан пешток кисми характерли хисобланади. Буни кадимги манбалардан, сакланиб колган иншоотлардан хам куришимиз мумкин. Пешток кисми доминант сифатида булиб, атрофии девор билан уралган ховли тузилишида булган. Деворлари хам баланд (Работ Малик) катор бир-бирига туташган минорасимон шаклда курилган хам учрайди. Курилиш материали сифатида сардоба, хаммомлар хам урин олган. Ховли ичкарасида девор буйлаб хужралар жойлашган.

Савдо иншоотлари, токи – токи деб тузилиши буйича шахар марказларининг йуллари кесишган чорраха кисмига курилган усти ёпик гумбазлардан иборат иншоотга айтилади. Турт томони очик бу иншоот узида куп тармокли савдо сотикда фойдаланилган. Уларнинг тепа том кисми гумбазлардан ташкил топган. Безатилиш услуви эса сирланган гиштларсиз оддий пишик гиштлардан курилган аркасимон кириш ва чикиш йуллари. Бухорода сакланиб колган токиларнинг тулик бир комплексини куришингиз мумкин. Баъзида карвонсаройлар токилар ёнида хам курилган. Шундай килиб , Бухоронинг барча тарихий савдо иншоотлари миллий, хандасавий услубда бажарилган.

## **I – Боб хулосалари**

1. Самаранд шахрининг янги бош режаси асосида олиб борилаётган кайта куриш ишларининг асосий мақсади, унинг тарихий-маданий марказ эканини янада кучлироқ ифодалаб, унга янгича ижтимоий-иқтисодий моҳият бағишлашдан иборат булганлиги куйидаги тадбирларда уз аксини топди.

-шахарнинг минтакадаги тарихий-маърифий марказ эканлигини курсатиш учун Имом ал-Бухорий, Махдуми Аъзам, Хужа Ахрор, Имом Матуридий мажмуалари тикланиб обод килинди.

-шахарнинг туризм маркази сифатида ривожлантириш учун Афросиёб калъаси, Шохи Зинда, Бибихоним меъморий мажмуалари ва бошка ёдгорликлар тулик таъмирланиб улар худудидан автотранспорт катнови узоклаштирилиб, уларнинг зарарли таъсири бартараф этилди.

2. Қадим замонлардан Урта Осиёдаги аксарият шаҳарлар савдо йуллари буйлаб шаклланганлиги сабабли марказий кучалар ижтмоий ва иқтисодий ҳаёт марказларига айланган. Уша вақтлари шаҳарлараро йуллар тухташ жойларида работлар булган (масалан, Кармана ва Гиждувон оралигидаги Работи малик). Шаҳарлар бош кучаларининг кесишган чорраҳаларида бозор иншоотлари – “чорсу” ларнинг жойлашиши, шаҳар марказида Регистонларнинг булиши тарихий шаҳарларнинг хусусиятли жихатлари булган. Тарихий шаҳарлар марказий кучаларидаги бино ва иншоотлар куйидагича классификацияланади

<b>КАРВОН- САРОЙ, РАБОТ</b>	<b>БОЗОР, ЁПИК БОЗОР</b>	<b>ТИМ, ТОКИ..</b>	<b>РАСТАЛАР ДУКОНЛАР</b>
-------------------------------------	----------------------------------	------------------------	------------------------------

3. Тарихий шаҳарлар марказий кучаларидаги савдо иншоотлари, токи ва тимлар, дукон ва расталар тузилиши буйича шаҳар марказларининг йуллари кесишган чорраҳа қисмига курилган усти ёпик гумбазлардан иборат иншоотлардан иборат. Турт томони очик бу иншоотлар куп тармокли савдо сотикда фойдаланилган. Уларнинг тепа том қисми гумбазлардан ташкил топган.

Безатилиш услуби эса сирланган гиштларсиз оддий пишик гиштлардан курилган аркасимон кириш ва чикиш йулларидан иборат. Бухорода сакланиб колган токиларнинг тулик бир комплексини куришингиз мумкин. Баъзида карвонсаройлар токилар ёнида хам курилган.

Замонавий маданий тараккиётнинг хозирги палласида халкимизнинг уз утмиши ва тарахини чукур урганишга булган кизикиши ошиб бормокда. Бу сохадаги ишлар орасида шахарсозлик санъатимизнинг утмишдан бизга мерос булиб колган, жумладан, жамоат бинолари архитектурасида ансамбл ва комплексларнинг шаклланиш тамойилларини урганиш ва уни замонавий меъморчилигимизда фойдаланиш чора-тадбирларини белгилаш долзарб масалалардан биридир.

Утмиш меъморлари яратган туркум биноларни урганар эканмиз, улардаги хандасавий, меъморий ва фалсафий уйгунлик диккатимизни узига жалб этади.

Шахар худудини шакллантириш масалаларини хал этишда Урта Осиё меъморлари ушбу шахарни катта ва кичик ансамбллар тизими сифатида карашар эди.

## **II Боб. Туризм инфраструктурасини шакллантиришнинг замонавий ҳолати.**

### **2.1 Туризм инфраструктураси ривожланишининг ижтимоий ва иқтисодий тамойиллари**

Туризм соҳасининг ижтимоий аҳамияти асосан халқимизнинг бой тарихий ва маданий мероси ҳамда мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳадаги замонавий ютуқлари билан кенг халқ оммасини таништириш билан чамбарчас боғлиқдир. Бизнинг мамлакатимизда мустақилликга эришгандан сунг хорижий ва маҳаллий туристларнинг оқими йилдан-йилга мутассил ошиб бормокда. Туристларнинг сонини ошиб бориши биринчи навбатда халқимизнинг моддий ҳолатини яхшиланиши, уларнинг буш вақтларини кўпайиши, таътилни фаъол равишда ўтказиши ва маданий савиясининг кўтарилиши натижасидир.

Туризм соҳаси нафақат ижтимоий-маънавий, балки иқтисодий соҳанинг ҳам жадал ривожланишига замин яратади. Туристлик саёҳатга чиқадиганлар экскурсион ва транспорт хизматларидан фойдаланишади, умимий овқатланиш ва ёдгорлик совгалари савдосидан баҳра олишади ва бунинг натижасида қўшимча иш ўринлари яратилиб, аҳолии бандлик даражаси кўтарилади [3].

Туризм соҳасидаги ватанимиз ва чет эл тажрибасини урганиш шу нарсани курсатадики, соҳа ривожланишининг ижтимоий ва иқтисодий асослари шаҳарсозлик ва архитектуравий жиҳатдан тўғри қабул қилинадиган қарорларга бевосита боғлиқдир. Бу қарорларда туристик объектларини тўғри танлаш ва бу объектлар параметрларини аниқлашда замонавий услуб ва принциплардан фойдаланиш максимал равишда ижтимоий ва иқтисодий самарадорликга эришишни таъминлайди. Шу билан бир қаторда туризм соҳасида фаъолият юрۇтувчи давлат ва нодавлат субъектлар фаъолиятини уйғунлаштириш, соҳанинг юқори рентабелликга эришувини ва туризм инфраструктурасини шаклланишига олиб келади. Чет эл тажрибаси шу нарсани курсатадики, ҳар томонлама ривожланган туризм индустрияси халқ хужалигининг юқори самарадорликга эришган соҳасига айланиши мумкин. Аммо бизнинг мамлакатимизда ҳозиргача бу нарсани етарли эътибор берилмасдан, туристик инфраструктура

шаклланишининг шаҳарсозлик ва архитектуравий принципларига тулик амал килинмай келинган [3]

Туризм индустриясининг жадал ривожланиши чет эл давлатлари иктисодиёти ривожланишига катта таъсир курсатиб, бу соҳадан келадиган фойда микдорини купайиши ва валюта тушимини яхшиламоқда [4]. Жумладан, Италияда туризм соҳасидан келадиган фойда ҳисобидан давлатнинг ташки савдодаги дефицити копланди. Францияда туризмдан тушадиган чет эл валютаси микдори учинчи уринни эгаллайди (автомобилсозлик ва металлургия соҳасидан сунг ), Швейцарияда эса машинасозлик соҳасидан сунг иккинчи уринда ( хаттоки соатсозлик соҳасидан ҳам олдинда) [23].

Туризм индустрияси иктисодий самарадорлигини оширишда бир канча факторлар мавжуд. Бу факторлар биринчи навбатда туризм инфраструктурасини куп функцияли соҳа сифатида шаклланиши билан боғлиқдир. Соҳада нафакат юкори сифатли меҳмонхоналар ташкил килиниши, балки кушимча хизматлар яъни экскурсион ва транспорт хизматлари, умумий овқатланиш ва ёдгорлик совгалари савдосини йулга куйилиши ва умуман олганда туристлар “буш вақтини” мазмунли ва кизикарли ташкил килиниши катта аҳамият касб этмоқда. Бу соҳаларга куйиладиган капитал маблағлар унча катта булмаган ҳолда, етарли даражада, яхши фондига эришмоқ ва валюта тушумини купайтириш мумкин [22].

Туризм соҳасининг кушимча хизматларидан тушадиган маблағ туризм индустриясининг умумий фойдасидан Польшадан 20%, Испанияда 30%, Франция ва Италияда 33% купрокни ташкил килади. Туристларга хизмат курсатадиган ёдгорлик совгалари чакана савдоси чет элдан келган туристлар харажатларининг Югославияда 35%, Англияда 30%, Франция ва Италияда 35%, Испанияда 40% ташкил килади [19]. Бу нарсалар туризм индустриясида кушимча хизматлар аҳамиятини яккол курсатиб турибди.

Бизнинг мамлакат тажрибасида кушимча хизматларнинг таклифи туристик соҳадан ташқарида амалга оширилади [3]. Бунинг учун кушимча хизматлар мулжалланган савдо, умумий овқатланиш, маданият ва кунгил очар корхоналар томонидан амалга оширилиб келинган. Туристтик корхоналар эса ҳозиргача бу

холатга бефарклик билан ёндашган ва бунинг натижасида маълум микдордаги маблаг тушумидан махрум булинган. Кушимча хизматлар курсатадиган корхоналар системасини, яъни бадиий ёдгорлик совгаларини ишлаб чиқариш ва савдоси, миллий таомлар махсулотлари, халқ анъаналари курсатувчи урф-одатлар ва санъатини намойиши туризм индустриясига қарашли корхоналарда амалга оширилган пайтда бир томондан туристлар оқимини қупайишига олиб келса, иккинчи томондан соҳа рентабеллик ва рақобатбардошлигини оширади [4].

Бизнинг ишимизда туризм соҳасининг шаҳарсозликга курсатадиган таъсирини аниқлаш ва уни илмий-тажрибавий асослаб бериш катта аҳамиятга эгадир. Архитектура ва тарихий ёдгорликларни сақлаш ва улардан унумли фойдаланиш, эски шаҳарларни қайта қуриш ва ободонлаштириш, йуллар қурилиши ва транспорт соҳаларини яхшилаш ишлари туризм инфраструктурасини такомиллаштиришга катта қумак беради. Туризм инфраструктурасининг моддий-техник базасини шакллантириш учун сайёҳларни қабул қилиш ва хизмат қурсатиш корхоналарини комплекс шаклида лойиҳалаш ва қурилишини амалга ошириш асосий шартлардан бири ҳисобланади [3].

Туризм соҳасининг ривожланишининг ижтимоий ва иқтисодий асосларини систематик равишда урганиш бу соҳанинг архитектуравий ва шаҳарсозлик жиҳатдан шакллантиришга катта ёрдам беради. Туризм инфраструктурасини комплекс тарзда лойиҳалаш соҳасининг ижтимоий ва иқтисодий масалаларини ҳал эти шва у билан боғлиқ бўлган архитектуравий ёдгорликларини сақлаш ва транспорт алоқаларини яхшилашга хизмат қилади. Соҳанинг иқтисодий самарадорлигини ошириш эса туристик инфраструктура ишини ягона система тарзида режалаштириш ва бажариш билан ҳамбарчас боғлиқдир. Туризм инфраструктураси моддий базасидан фойдаланишда замонавий усуллардан фойдаланиш қуп сонли сайёҳлар оқимини тугри йуналтириш ва унинг мавсумий узғаришларини ҳисобга олган ҳолда зарурий чораларни олдиндан режалаштиришга имкон яратади [4].

Қуп функцияли туристик инфраструктура халқ ҳужалигининг бошқа соҳалари билан боғлиқ бўлиб, унинг бошқаришда соҳанинг моддий базаси ишининг

самарадорлиги идоралараро режалаштиришга ҳам боғлиқдир. Шунинг учун туристик инфраструктуранинг шаҳар структурасида жойлашуви, унинг асосий намоиш этиладиган объектлар билан яхши транспорт алоқаларини йулга қуйилиши, кизикарли овқатланиш ва ёдгорлик совгалари савдосини намоиш объектларига яқинлигини таъминлаш катта аҳамиятга эгадир. Шунинг учун тарихий шаҳарлар архитектуравий ва функционал алоқаларини ҳисобга олган ҳолда қайта қуриш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Бундай алоқаларни ҳисобга олиниши туристик инфраструктуранинг шакллантиришнинг асосий омилларидан биридир. Албатта, йирик шаҳарлар узига хос маъмурий, маданий ва иқтисодий функцияларига эга ва бу функциялар орасида туристик инфраструктуранинг таъсири етарли даражада йирик бўлмаслиги мумкин. Аммо туристик инфраструктуранинг шаҳарнинг бошқа функционал қисмлари билан уйғунлаштириш натижасида тарихий кучалар ва ансамбллар архитектуравий жиҳатдан асл ҳолатини сақлаш билан бирга, улардан замонавий мақсадларда фойдаланиш учун замин яратилади.

Шундай қилиб айтиш мумкинки, туристик инфраструктуранинг шаҳарлар тарихий қисмидаги кучалар ва майдонларда жойлаштиришни лойиҳалаш нафақат тарихий ёдгорликларни реставрацияси ва сақланишини таъминлайди. Шу билан бирга туризм соҳасининг ижтимоий ва иқтисодий вазифаларига хизмат қилади ва соҳа самарадорлигини оширади [16].

## **2.2. Ўзбекистон тарихий шаҳарларида туристик инфраструктуранинг лойиҳалаш хусусиятлари**

Туристик инфраструктуранинг лойиҳалаш бўйича бизнинг мамлакат ва чет элларда бир қанча тажриба тупланган [23]. Туристик инфраструктура лойиҳалашнинг асосий хусусиятлардан бири ҳар бир алоҳида вазият учун индивидуал ёндашув талаб этилишидир. Чунки қупчилик ҳолларда туристик

инфраструктура архитектура ва маданият ёдгорликларига бой шаҳарларда лойихаланари. Бу эса мавжуд тарихий ёдгорликларни саклаш, шаҳарларга хос қуриниш ва силуетларни йукотмаслик, археологик ва ландшафт мухитини асраб-авайлаш билан боғлиқ масалалар ечимини талаб қилади.

Олдинги даврларда туристик объектларни лойихалаш ва қуришда маъмурий ёндашув ҳукм сурган [3]. Лойихачилар факатгина маълум объектлар режавий ва архитектуравий ечимларини таклиф қилинган бўлса, маъмурий бошқарув идоралари бу объектларнинг шаҳар структурасидаги жойлашувини аниқлашган. Бу эса туристик инфраструктураси объектларини алохида-алохида лойихалаш ва уларнинг шаҳар структурасида тарқок ҳалотда жойлашувига олиб келган. Бундай амалиёт нафакат тажриба етишмаслиги, балки туристик инфраструктуранинг ижтимоий ва иқтисодий имкониятларини тулик тушунмасликдан ҳам келиб чиққан эди. Чет эл тажрибаси [23] шу нарсани курсатадики, турли хилдаги хизматлардан келадиган фойда туризм индустриясининг асосини ташкил қилади. Мехмонхона ва кемпинг, мотел ва транспорт хизматларидан келадиган фойда даражасини унчалик юқори эмас, чунки бу хизматлар тан нархи нисбатан юқоридир. Нисбатан юқори даражадаги фойда “қушимча хизматлар” соҳасидан келади. “Қушимча хизматлар” ёдгорлик совгаларни ишлаб чиқариш ва сотиш, кизикарли овқатланиш ва дам олиш, миллий анъаналарни намойиш этиш ва шунга ухшашалардан ташкил топади [4].

“Қушимча хизматлар” корхоналари системасини лойихалаш ва уларнинг туристик инфраструктура объектларига киритиш катта аҳамиятга эгадир. Шу билан бирга уларнинг шаҳар структурасидаги урни ва ишлаб чиқариш қувватларини тугри ташкил қилиш ҳам асосий масалаларидан биридир [4].

Туристтик инфраструктурани шу асосда лойихаланиши сайёҳлар учун ҳам бир канча янги имкониятларни яратади. Саёҳат қилувчи одам тарихий ва маданий билимларининг фаёол узлаштурувчисига айланиб, дунёқарашини кенгайтиради ва инсоний кадриятларга нисбатан хурмат эҳтироми ошади. Туризмнинг бундай хусусиятлари унинг санаторий ёки дам олиш уйларидаги таътил утқизиш турларидан кескин ажралиб туради [8].

Туристтик инфраструктурасининг лойихалашдаги биринчи этап унинг шахар тарихий структурасида жойлашувини асослаб берувчи техник-иктисодий курсаткичларини аниклаб, унинг таркибига кирувчи корхоналар уртасидаги алокаларни комплекс равишда ташкил килиниши билан боғлиқдир. Бунинг учун ягона шахарсозлик ташкилий системасининг барча элементлари куриб чиқилади ва уйғунлаштирилади. Туристтик инфраструктура жойлашадиган ҳудуд ва кучалар аникланиб, туристлар ҳаракат йуналишлари ва уларга мос равишдаги хизматлар сценарияси ишлаб чиқилади. Шу нарсани тақидлаш керакки, туристтик инфраструктуранинг рационал ташкиллаштириш биринчи навбатда у жойлашадиган ҳудуд ва кучаларнинг тарихий шахардаги урни ва асосий туристтик маршрутларнинг шу ҳудуд ва кучалар орқали интенсивлиги билан аникланади. Шундай қилиб туристтик инфраструктура шаклланишида икки асосий тамойил аникланади: биринчидан, лойихаланадиган ҳудуднинг туристтик инфраструктурасига мослаштириш программасини ишлаб чиқиш ва иккинчидан, туристтик инфраструктурани ташкил қилувчи таркибий элементларининг деталлаштирилган шахарсозлик ва архитектуравий ечимларини лойихалаш.

Лойихалаш учун эса мавжуд маълумотларни йиғиш ва қайта тиклаш туризм инфраструктурасини потенциал имкониятларини аниқлашда ёрдам беради [12]. Туристлар оқимини лойиханадиган ҳудудларга жалб қилувчи бир неча факторлар мавжуд. Бу факторларни аниқлаш ва урганиш туристтик оқимларнинг тарихий шахарларнинг у ёки бу қисмига йуналтириш имкониятларини яратади. Тарихий ва маданий ёдгорликлар билан боғлиқ ҳақидаги маълумотлар ва ҳудудларнинг замонавий ҳолати ҳақидаги маълумотлар асосида лойихачилар туристтик инфраструктура шаклланишининг асосий тамойилларини ишлаб чиқиш жараёнида қуйидагилар аникланади [3]:

1. Ҳудуднинг қадимги замондан то ҳозирги кунгача бўлган тарихий ривожланиши ва ҳудудда жойлашган архитектуравий ёдгорликлар ҳолати.
2. Ҳудуднинг ландшафт ва табиий хусусиятлари ва шу асосда лойихага киритиладиган қисқа фурсатли дам олиш масканларнинг мавжудлиги.

3. Махаллий халк хаётида мухим урин эгаллаган амалий санъат турларининг мавжудлиги ва ривожланганлиги хакидаги маълумотлар.

4. Махаллий худудга хос миллий таъомларни тайёрлаш анъаналари ва хаттоки утмишда мавжуд, аммо хозирги кунда унутилган анъаналар хакидаги маълумот.

5. Махаллий худудга хос миллий мусика ва рақслар, устки кийим ва пойафзал, безаклар ва буюмлар хакидаги маълумот.

Юкорида келтирилган факторларни аниклаш тарихий шахарниинг маълум худудларида шаклланадиган туристик инфраструктуранинг ривожланиш йуналишининг гоъвий асосини ташкил килади ва шу асосда қабул килинадиган шахарсозлик ва архитектуравий ечимларни қабул килишда мухим ахамиятга эга. Қабул килинган ечимлар асосида курсатишга (экспозиция) мулжалланган асосий объектларни танлаш ва тугри жойлаштириш алохида ахамият касб этади. Бу жараён лойихачилардан маълум даражадаги ижодий ёндашувни талаб килади ва маълум ҳолатларда шаклланадиган туризм инфраструктурасини жозибадорлигини таъминлайди. Курсатиб утилган факторлар туризм инфраструктураси ривожланиши учун асос булиб хизмат килади. Лойихачилар бу факторлар оддий йигиндисидан эмас, балки ижодий ёндашув асосида туризм объектларини танлашлари ва объектлар шахарсозлик ва тарихий мухитини яхши урганиб чиқишлари лозим. Масалан, Самарканд шахрида туристик инфраструктурасини шакллантириш учун эски шахарда жойлашган тарихий кучалар катта имкониятларга эга эканлиги аникланди. Бу худуд эски шахар тарихи ва маданиятини курсатиш учун урта асрларга таалуқли шахарсозлик структураси ва куп микдордаги архитектуравий ва маданий ёдгорликларга соҳибдир. Археологик изланишлар шу нарсани курсатмоқдаки, шахарнинг қадимий қисмида хаттоки эра миздан олдинги даврларга мансуб маданий қатлам ва уша даврга мансуб иморатлар қолдиқлари мавжуд. Бу нарса уша худуд асосида “қадимги шахар” археологик қуриқхонасини ташкил қилиш ва унга яқин булган жойда халқ хунармандлари устахоналари ва туристик инфраструктурага таалуқли бошқа объектларни жойлаштириш имконини беради. Лойихачилао учун асосий

вазифа бу археологик ва архитектуравий ёдгорликларни тугри танлаб шу асосда уларнинг сақланиши ва таъмирланишини ташкил қилишдир. Бунинг учун тарихий кучаларни туристик инфраструктура шаклланиши учун асос қилиб олиниши катта аҳамиятга эгадир. Тарихий кучалар имкониятларини анализи эски шаҳар ҳудудини туристик мақсадларга фойдаланишга хизмат қилиниши кузда тутувчи лойиҳалар учун асос була олади.

### 2.3. Самарканд шаҳрида шаҳарсозлик шароитлари

Мустақиллик йилларида Самарканд шаҳрида улкан узгаришлар амалга оширилиб, туристик инфраструктура шаклланиши учун шаҳарсозлик нуқтаи назаридан қулай ва замонавий шароитлар яратилмоқда. Самарканд шаҳрида биз суз юритаётган соҳадаги ишлар бир неча йуналишларда олиб борилди. Улардан:

	Йуналишлари	Изоҳ
	<b>Биринчи йуналиш</b> шаҳар кучалари, майдонлари, ва <b>1.</b> нинг энг нуфузли таркибий қисмларини мустақиллигимиз вожи, истиклол мафқураси, аҳолининг маиший турмуш рзи ва бозор иқтисодиёти талабларига мос ҳолда тартибга шуриш булди.	
	<b>Иккинчи йуналиш</b> бу шаҳар ҳудуди буйлаб янги . иқтимоий тараккиёт тамойилларига асосланган маиший иданий турмуш, таълим-тарбия, илм-фан ва ишлаб чиқариш зор ва савдо объектларини қуриш ва жойлаштириш булди.	
	<b>Учинчи йуналиш</b> бу шаҳарнинг тарихийлигини ва тумжахон мавқеини эътиборга олиб шаҳарнинг тарихий қисмини, ундаги меъморчилик ёдгорликларини таъмирлаш йта тиклаш, замонавий иқтимоий ва туризм мақсадларига ослаштириш ваз шу йул билан уларни келажак авлодлар ун асраб қолиш соҳасидаги ишлар булди.	

	<p><b>Туртинчи йуналишдаги</b> ишлар эса аҳолининг дам олиш, шаҳар иклими, экологияси, ва ландшафтнинг яшилари ва туристик инфраструктура шакллантиришга қаратилди, яъни ташқи муҳитни ободлаштириш, кукаламзорлаштириш, гулзорлаштириш, яшилари ва парклари, хийобонлар ташкил қилиш ва шакллантириш бўлди.</p>	
	<p><b>Бешинчи йуналиш</b> эса шаҳар коммунал хўжалигини яшилари, муҳандислик ободлаштириш ва жиҳозлаш, бу ишларни амалда жонлантиришга қаратилди ва бу соҳада яшилари талабларига мос шароитлар яратилди..</p>	

Маълумки, бу йуналишларнинг барчаси меъморчилик ва шаҳарсозлик ҳамда шаҳар қурилиши ишлари билан боғлиқдир. Айнан шу мақсадда мустақиллик йилларида Самарқанд шаҳрининг ривожлантиришнинг 2025-йилгача мулжалланган шаҳарсозлик бош режаси ишлаб чиқилиб тасдиқланди ва фойдаланишга топширилди. Унда юқорида қурсатилган барча йуналишлардаги ишлар уз аксини топган.

Энди эътиборимизни ушбу йуналишларда Самарқанд шаҳрида мустақиллик даврида бажарилган ишлар таҳлилига қаратсак. Биринчи йуналиш бўйича мустақиллик даврида шаҳарнинг ҳар иккала, яъни янги ва эски шаҳарлар марказий қисмлари ва уларга туташувчи магистрал кўчалар йуналишлари тугрилди, уларнинг эни кенгайтирилди. Янгитдан асфальт ётқизиблиб текисланди, мустақамланди, кўчалар атрофидаги тротуарлар, ариқлар обод ҳолга келтирилди, дарахтларнинг шакл-шамойили тузатилди, эскирганлари олиб ташланиб янгилари экилди, яаги кўчалар қурилди, улар тасвирий ойналар ва реклама элементлари билан безатилди. Бир суз билан айтганда мустақиллик йилларида дастлаб шаҳар кўчалари архитектурасига ката эътибор берилди.

Уларнинг функционал ва бадий-эстетик мухити яхшиланди, меъморий даражаси ошди. Бирок, бу ишлар шаҳарнинг факат марказий нуфузли меъморий қисмлари доирасидагина амалга оширилди ҳолос. Тушуниш мумкинки, улар шаҳарда биринчи навбатда бажарилиши зарур бўлган ишлар қаторига кирди, яъни мураккаб ҳаёт бошланганига эндигина 20-йил тулган Самарқанд шаҳрининг имкониятлари доирасидаги ишлар асосан бажарилди.

Самарқанд шаҳрининг янги бош режаси асосида олиб борилаётган қайта қуриш ишлари асосий мақсади, унинг тарихий-маданий марказ эканини янада қучлироқ ифодалаб, унга янгича ижтимоий-иқтисодий моҳият бағишладан иборат бўлганлиги қуйидаги тадбирларда уз аксини топди.

-шаҳарнинг минтақадаги тарихий-маърифий марказ эканлигини қуратиш учун Имом ал-Бухорий, Маҳдуми Аъзам, Хужа Аҳрор, Имом Матуридий мажмуалари тикланиб обод қилинди.

-Афросиёб қалъаси, Шоҳи Зинда, Бибихоним меъморий мажмуалари ва бошқа ёдгорликлар ҳудудидан автотранспорт катнови узоклаштирилиб, уларнинг зрарли таъсири бартараф этилди.

XX-асрда шаҳар ҳудудида тасодифан пайдо бўлиб, меъморий ёдгорликлар ҳуснини бузаётган ва уларни қуришга тускинлик қилаётган Рухобод мақбараси ҳудудидаги Таббасум кафеси, Спирт заводи, ҳаммом, телевизион устахоналар бошқармаси, тажриба заводи каби бир қатор бадий аҳамиятга эга бўлмаган бинолар олиб ташланди. Регистон меъморий мажмуаси атрофини тусиб турган кинотеатр, ресторан, универмаг, чала ётган уч қаватли ҳусусий банк бинолари олиб ташланди [16].

Меъморий комплекснинг Тилла Кори мадрасаси орқа томондаги пала-партиш қурилиб қолган ҳусусий иморатлар томонидан юртбошимиз гоёси асосида мадраса беэзага мос тушадиган девор тикланди.

-Давр тақозоси билан истеъмол ва ишлаб чиқариш қобилятини йукотган улкан саноат қорхоналари урнида янги ихчам ишлаб чиқариш фирмалари бунёд этилди.

-Урта ва кичик бизнесни ривожлантиришга имкон берадиган корхоналар шаҳар структурасига жойлаштирилди.

-Янгича шаҳарсозлик кучлари-туризм индустрияси объектларни бунёд этишга катта аҳамият берилмоқда. Жумладан, 30 дан ортиқ хусусий меҳмонхоналар эски шаҳар структурасига уринлаштирилди.

Энг муҳими шуки, Афрасиёб қалъасини музей қуриқхонага айлантириш, Трикотажд фабрикаси, Спирт заводи ва Тажриба заводлари сингари саноат корхоналарини эски шаҳар ҳудудидан чиқариш масаласи сунгги 35-40 йил давомида бир неча марта кутарилиб келинаётган эди. Хаттоки, 1976 йилда собиқ Ўзбекистон социалистик Республикаси Министрлар Советининг Афрасиёбни музей – қуриқхонага айлантириш ҳақида қарори ҳам чиққан эди. Аммо уша даврдаги қарорлар ҳам, лойиҳалар ҳам коғозда қолиб кетаверар эди. Мана энди эса, қуланса хид ва шовкин бериб турган саноат корхоналари эски шаҳар ҳудудидан чиқарилиб, Афрасиёб қалъаси музей-қуриқхонага айлантирилди. У ерда осма металл аргамчин йулини қуриб археологик объектларни қузатиш туристик маршрутини яратиш лойиҳаланган .

Самарқанд шаҳрида укув ва жамоат бинолари қурилишига катта эътибор берилаяпти. Бунга мисол университет хиебонидаги Самарқанд Давлат Университети қошидаги академик лицей, Рудакий қучасидаги академик лицей, А.Темур қучасидаги иқтисодиёт ва сервис институтининг академик лицей ива бошқа қуплаб лицей, коллеж ва умумтаълим мактаблари ва бошқалар.

2007 йилнинг узида вилоятда 25 та коллеж, 8 та умумтаълим мактаблари қурилди ва 50 дан ортиқ мактаблар реконструкция қилинди.

Марказий қучалардан ҳисобланган М. Улугбек қучаси комплекс тарзда қайта қурилди. Қуча инфратузилмаси тулик янгиланиб замонавий талабларга жавоб берадиган ҳолатга келтирилди. Қучадаги ҳамма бинолар реконструкция қилиниб эски бир қаватли бинолар урнига 2 қаватли бинолар қурилди. Бундан ташқари қучанинг буш жойида янги бинолар мажмуаси жойлаштирилди. Бу мажмуада супермаркет, 720уринли Мусика ва санъат коллежи, 900 кишилиқ концерт зали, никоҳ уйи ва автосалон бинолари жойлашган. Аммо бу бинолар бир

вакда курилган булса ҳам меъморий композицияси ранги ва услуби билан бир – бирига мос тушмаган. Супермаркет тарзи тулик ойна билан копланган, коллеж биноси оч ранглар гаммасида ишланган булса, концерт залининг тарзи ойна ва колонналар билан ишланган, Никох уйи тарзида миллий услуб элементларини курсак, автосалон биноси тамоман замонавий услубда ишланган. Бу ерда саъат коллежи билан концерт залини, ҳамда супермаркет билан автосалонни кушиб ансамбл тарзда жойлаштириш мақсадга мувофиқ эди. Шунда кучанинг мазкур булагидан акцент ташкиллаштириб композицион яхлитликка эришилди.

Кейинги йилларда шаҳарда халқаро туризмни ривожлантириш борасида амалга ошириладиган ишларни алоҳида таъкидлаш лозим. Самарқандда бугунги кунда сайёҳлик фирмалар сони 80 дан ошди. Меҳмонхоналар ҳам кейинги йилларда сезиларли даражада кўпайди. Айтиш мумкин шаҳарда 50 га яқин хариддан қўлай меҳмонхоналар хизмат кўрилади.

## **II – Боб хулосалари**

1. Туризм соҳасидаги ватанимиз ва чет эл тажрибасини урганиш шу нарсани курсатадики, соҳа ривожланишининг ижтимоий ва иқтисодий асослари шаҳарсозлик ва архитектуравий жihatдан тугри қабул қилинадиган қарорларга бевосита боғлиқдир. Бу қарорларда туристик объектларини тугри танлаш ва бу объектлар параметрларини аниқлашда замонавий услуб ва принциплардан фойдаланиш максимал равишда ижтимоий ва иқтисодий самарадорликка эришишни таъминлайди. Шу билан бир қаторда туризм соҳасида фаъолият юритувчи давлат ва нодавлат субъектлар фаъолиятини уйғунлаштириш, соҳанинг юқори рентабелликка эришувини ва туризм инфраструктурасини шаклланишига олиб келади. Чет эл тажрибаси шу нарсани курсатадики, хар томонлама ривожланган туризм индустрияси халқ хужалигининг юқори самарадорликка эришган соҳасига айланиши мумкин.

2. Туристтик инфраструктурасининг лойиҳалашдаги биринчи этап унинг шаҳар тарихий структурасида жойлашувини асослаб берувчи техник-иқтисодий курсаткичларини аниқлаб, унинг таркибига кирувчи қорхоналар уртасидаги

алокаларни комплекс равишда ташкил қилиниши. Шу билан бирга инфраструктурани ташкил қилувчи элементлари қуриб чиқилади ва уйғунлаштирилади. Туристик инфраструктура жойлашадиган ҳудуд ва кучалар аниқланиб, туристлар ҳаракат йўналишлари ва уларга мос равишдаги хизматлар сценарияси ишлаб чиқилади. Шу нарсани тақидлаш керакки, туристик инфраструктуранинг рационал ташкиллаштириш биринчи навбатда у жойлашадиган ҳудуд ва кучаларнинг тарихий шаҳардаги урни ва асосий туристик маршрутларнинг шу ҳудуд ва кучалар орқали интенсивлиги билан аниқланади. Шундай қилиб туристик инфраструктура шаклланишида икки асосий тамойил аниқланади: биринчидан, лойихаланадиган ҳудуднинг туристик инфраструктурасига мослаштириш программасини ишлаб чиқиш ва иккинчидан, туристик инфраструктурани ташкил қилувчи тарқибий элементларининг деталлаштирилган шаҳарсозлик ва архитектуравий ечимларини лойихалаш.

3. Самарқанд шаҳрида туристик инфраструктурасини шакллантириш учун эски шаҳарда жойлашган тарихий кучалар қатта имкониятларга эга эканлиги аниқланди. Бу ҳудуд эски шаҳар тарихи ва маданиятини қурсатиш учун урта асрларга таалуқли шаҳарсозлик структураси ва қуп микдордаги архитектуравий ва маданий ёдгорликларга соҳибдир. Археологик изланишлар шу нарсани қурсатмоқдаки, шаҳарнинг қадимий қисмида ҳаттоки эра миздан олдинги даврларга мансуб маданий қатлам ва уша даврга мансуб иморатлар қолдиқлари мавжуд. Бу нарса уша ҳудуд асосида “қадимги шаҳар” археологик қуриқхонасини ташкил қилиш ва унга яқин бўлган жойда халқ хунаромандлари устахоналари ва туристик инфраструктурага таалуқли бошқа объектларни жойлаштириш имконини беради. Лойихачилар учун асосий вазифа бу археологик ва архитектуравий ёдгорликларни тугри танлаб шу асосда уларнинг сақланиши ва таъмирланишини ташкил қилишдир. Бунинг учун тарихий кучаларни туристик инфраструктура шаклланиши учун асос қилиб олиниши қатта аҳамиятга эгадир. Тарихий кучалар имкониятларини анализи эски шаҳар ҳудудини туристик мақсадларга фойдаланишга хизмат қилиниши қузда тутувчи лойихалар учун асос бўла олади.

### **III Боб. Самарканд шаҳри тарихий қисмида туризм инфраструктурасини шакллантириш.**

#### **3.1. Туристик инфраструктурани лойихалашнинг амалий таъминлари**

Юқорида таъкидланганидек туристик инфраструктура объектларини лойихалаш ва уларнинг мутассил юқори самарадорлик билан ишлашини таъминлашининг асосий таъминларидан бири бу туристик инфраструктура объектларини узаро боғлиқ ҳолда қуриб чиқиш билан боғлиқдир [4]. Бунинг учун тарихий шаҳарлар ҳудудлари бўйича сайёҳлик маршрутлари сценариясини ишлаб чиқиш катта аҳамиятга эгадир. Сайёҳлик маршрутлар сценарияси туристларга мулжалланган барча фаъолиятларни қамраб олади: архитектуравий ва археологик ёдгорликларга уюштирилаётган экскурсиялар, транспорт воситаларида ва пиёда ҳаракатлар, дам олиш ва туристлар бўш вақтларида ташриф уюштирилаётган объектлар. Бу фаъолиятларни сценарияси тузилиши сайёҳлик хизматларини қизиқарли ва мазмунли ташкил қилинишига олиб келади. Бундай сценариялар асосида шаклландирилган туристик инфраструктура тарихий шаҳарларда мавжуд имкониятлардан тулик фойдаланишини таъминлайди. Сценарияларни ташкил қилувчилар маълум даражадаги эркинлик асосида маршрутларни танлаб, тарихий шаҳарда мавжуд ва туристлар орасида маълум ва машҳур бўлган обидаларда халқимизнинг ютуқларга бой тарихий маданияти ва ҳозирги кунларда эришилган ютуқларни қурсатиш имкониятларини ҳисобга олишлари зарурий шартлардан биридир. Маршрутлар сценариялари асосида туристик инфраструктура объектлари шаҳарсозлик схемалари ишлаб чиқилади ва бу объектлар архитектуравий ечимлари тақлиф қилинади. Сайёҳлик маршрутлари сценариялари туристик гуруҳлар ҳаракатларининг аниқ вақтга мулжалланган программалари билан биргаликда ишлаб чиқилади. Бунинг учун сайёҳлик ташрифи зарурий ва оптимал вақт ажратилиши, туристик инфраструктуранинг бир объектидан бошқасига ҳаракат турлари ( транспорт воситаларида ёки пиёда ),

хар бир объектда сарфланадиган танишув экскурсиясига ажратиладиган вақт ва албатта туристлар “буш вақтларини” рационал тарзда ташкил қилиниши катта аҳамиятга эгадир [19].

Туристтик маршрутлар сценарияларини ишлаб чиқиш бир неча босқичдан иборат. Биринчи босқичда сценарий программаларининг турли вариантларини ишлаб чиқишдир. Бунда ҳар бир вариант учун туристик объектлар сизими ва вақт сарфи аниқланади. Вариантлар орасидан анализ натижалари бўйича иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан энг самарадор тури ажратилиб олинади. Шу асосда туристлар оқими чет элдан келадиган ва ватанимизнинг бошқа ҳудудларидан келадиган гуруҳлардан ташкил топиши сабабли, ҳар бир гуруҳга таалуқли оқимлао учун туристик инфраструктурага бўлган эҳтиёж алоҳида аниқланади. Чет элдан келадиган туристлар оқими халқаро вазият ва чет элликларнинг бизнинг тарихий ва замонавий ютуқларимизга бўлган қизиқиши билан ҳамма вақт боғлиқ. Шу билан бирга бизнинг ватанимизда мавжуд тинчлик ва осойишта шароит чет эллик туристлар оқимининг йилдан-йилга жадал суратларда ўсишини таъминламоқда. Ватанимизнинг бошқа ҳудудлардан келадиган туристлар оқимлари ҳам йилдан-йилга кўпаймоқда ва бу асосан кенг халқ оммаларининг бой тарихий маданиятимизни урганиш билан боғлиқ эҳтиёжлари билан боғлиқдир [3].

Туристтик оқимларнинг кўпайиши туризм инфраструктурасини рационал ташкил қилиниши билан ҳам боғлиқдир [4]. Бу соҳада қуйидагиларга эътибор қаратиш зарурдир.

- тарихий ёдгорликлар намойишини ташкил қилишдаги имкониятлар;
- туристлар билан ишловчи корхоналарда замонавий талабларга мос шароитларни яратилганлиги ;
- ташвиқот ва реклама фаъолиятини юқори савияда ташкил қилиниши;

Туристтик оқимларнинг мавсумий ўзгаришлари ҳам туристик инфраструктура шаклланишига маълум даражада таъсир қурсатади. Мавсумий ўзгаришлар биринчи навбатда мавжуд табиий-иклимий шароитлар билан боғлиқдир. Ноқулай табиий-иклимий шароитларни нейтраллаштиришга йўналтирилган таъминот

асосида инфраструктурани ташкил килиниши маълум даражада туристик мавсумларнинг узайишига олиб келади. Бу эса уз навбатида туристик оқимлар кўпайишини таъминлайди. Маршрутларнинг сценарий планларидан келиб чиққан ҳолда туристик инфраструктуранинг амалда шаклланиши учун шаҳарсозлик шароитлари тулик ҳисобга олиниши зарурий оқимдир ва бу босқичда қўйидагиларни ҳисобга олиш шарт:

- ташкил транспорт алоқалари, яъни ҳаво транспорти, темирйўл ва автомобилтранспорти хажми ва асосий йўналишлари;

- транспорт воситалари фойдаланидиган йўллар ҳолати ва янги йўналишларда йўлларни ташкил килиниши;

- шаҳар инфраструктурасига таалукли инженерлик тармоқлари ҳолати ва уларни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари;

- тарихий шаҳар структурасига қирувчи қўчалар ва архитектуравий ёдгорликлар ҳолати ва уларнинг таъмирлаш учун бажариладиган ишлар қўлами;

- қўрилиш ва таъмирлаш ташкилотларининг моддий-техник баъзаси мавжудлиги;

- аҳоли бандлиги ва туристик инфраструктурада ишлашга жалб қилинадиган кадрлар резерви мавжудлиги;

- махаллий ишлаб чиқариш қўхоналарининг ёдгорлик совгалари ишлаб чиқариш учун мавжуд имкониятлар;

- алоқа воситалари, яъни телефон, телеграф ва интернет тармоқлари мавжудлиги ва уларнинг туристик хизмат қўрсатишига мувофиқлиги;

Юқорида санаб қўтилган факторлар асосида туризм инфраструктураси шаклланадиган ҳудудлар учун шаҳарсозлик ва архитектуравий ҳолат комплекс тарзда аниқланади ва тарихий қўчалар таъмирланиши ва ободонлаштирилиши лойиҳалари ишлаб чиқилади. Бу жараёнда албатта сайёҳлик маршрутлари сценарияларига қиритилган архитектуравий ва тарихий ёдгорликлар ҳолатига тўғри баҳо берилиши катта аҳамият қўсаб этади.

Сайёҳлик маршрутлари сценариялари асосида экскурсиялар ташкил килиниши ва шу асосда туристик инфраструктура объектлари қўғими ва қўватлари

хисобланади. Аникланган техник-иктисодий курсаткичлар асосида туристик инфраструктурага таалукли объектлар учун лойиха топшириклари ишлаб чиқилади. Лойиха топширикларига асосланган ҳолда туристик инфраструктура объектлари комплекс тарзда лойихаланади. Лойидаш жараёнида албатта маҳаллий қурилиш ва таъмирлаш ташкилотлари имкониятлари ҳисобга олиниши керак. Ишлаб чиқилган лойиҳалар эса албатта экспертлар ва комплексга қирувчи қорхоналар мутахассислари эътиборига тақдим қилинади.

### **3.2. Тарихий қучаларни туристик инфраструктурага мослаштириш**

Туризм инфраструктурасини шакллантириш ҳар бир тарихий шаҳарда иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан юқори самарадорликга асосланган туризм соҳасига оид қорхона ва ташкилотлар тизимини яратиш билан қамбарчас боғлиқдир. Ўзбекистон тарихий шаҳарлари узининг қуп асрли маданият ёдқорликлари ва дунё цивилизациясининг уқоқларидан бири сифатида барча қитъалардан сайёҳларни узига жалб қилади [13].

Тарихий утмиш мероси ва ҳалқимизнинг истиқлол йилларида эришган ютуқларини қурсатиш туристик инфраструктурани шакллантиришнинг асосини ташкил қилади. Шунингдек бу соҳада ватанимиз табиати ва иқлимига мос хусусиятларни ва узига ҳос ландшафти ҳам қатта аҳамиятга эгадир. Биринчи навбатда туристик инфраструктура юқорида қелтирилган хусусиятларга эга шаҳарларда шакллантирилиши керак. Масалан , Тошқент шаҳри тарихий обидалари қенг майдонлари, қуп сонли музей ва қурғазмалари , қум-қуқ боғ вапарқлари билан сайёҳларни жалбқилади. Самарқанд шаҳри эса биринчи навбатда узининг дунёга машқур тарихий обидалари Регистон майдони, Биби-Хоним мақбараси, Шохи-Зинда мақбаралари ансамбли, Гури-Амир мақбараси, Улуғбек расадқонаси ва Темурийлар даврига оид бошқа ёдқорликлар билан сайёҳларни узига тортади. Шу билан бирга Самарқанд орқали Шаҳрисабз обидаларига, Ургут ва Охалиқ тоғ ландшафтларига саёҳатлар ҳам уюштирилиши мумқин. Ҳудди шу хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда туристик маршрутлар

сценариялари тузилиши ва шу асосда туристик инфраструктура тузилиши керак. Хар бир саёхат туристик инфраструктура асосини ташкил килувчи Сайёхлик-Ахборот Марказида ташкил килинадиган учрашув ва таништириш маърузасидан бошланади. Саёхатнинг хар бир куни учун батафсил, соатма-соат ишлаб чикилган дастур булиши керак. Дастурда асосий экскурсион курсатув билан бир каторда сайёхлар “буш” вақти, яъни экскурсиялардан холи вақт ҳам ташкил килинади. Бу ерда шу нарсани таъкидлаш керакки “ буш” вақтни ташкил килиниши фақат сайёхлар кунгил очди фаёолияти эмас, балки уларни маҳаллий одат ва удумлар, этнографик хусусиятлар, хунармандчилик турлари ва миллий таомлар билан танишиш ва урганишга имкон яратиши керак. “Буш вақт” дастурини ташкил килинишида тарихий шаҳарда мавжуд имкониятларини ҳисобга олиш ва сайёхлар учун пиёда юриш билан ташриф килинувчи объектлар сонини имкон даражасида қупайтириш лозим [20].

Туристлар “ буш вақтларни “ асосан кечки соатларга тугри келади. Бу вақт давомида туристлар тарихий кучалардан бири ҳисобланиш тошкент кучасида ташкил килинган савдо режаларидан ёдгорлик совгалари харид килишлари мумкин. Шу ернинг узиди миллий кийим ва бош кийимлари, турли матолар ва гиламлар, сузана ва бошка махсулотлар харид килиниши мумкин. Тошкент кучасининг давомида жойлашган Сиёб бозоридан сайёхлар Шарк ширинликлари, писта, бодом, майизва бошка махсулотлар харид килишлари мумкин. Шу билан бирга сайёхлар миллий таомларни татиб қуришларига имкон берувчи ресторан ва кафелар ташкил килинишини ҳам қузда тутиш керак. Ҳозирги Тошкент кучаси буйлаб ва Сиёб бозори атрофида замонавий талаблар асосида ташкил килинган ва сайёхлар эҳтиёжларини тула қондирадиган биронта миллий таомлар қорхонаси мавжуд эмас. Чет эл тажрибаси шу нарсани қупсатадики туристларга хизмат курсатувчи овқатланиш қорхоналари унчалик қатта булмасдан, фақатгина миллий таомларнинг маълум турларига ихтисослашган булиши мумкин. Масалан, миллий ош-паловга ихтисослашган ресторан ёки қичиқрок қуринишдаги сомсақона ёки мантиқона.

Регистон майдонида кечки пайтда театрлашган курсатувлар ташкил килинган. Бу курсатув ёдгорликлар наmidан амалга оширилувчи ёриклик ва нуткий композициялардан иборат. Уз вақтида бу курсатув купгина туристларни жалб килар эди. Аммо хозирги пайтда бу курсатувни янгилаш ва имкон даражасида компьютер графикасига асосланган композициялар билан бойитишга эҳтиёж сезилмоқда.

Урта асрларда Самарканд узининг хаммомлари билан хам машхур эди. Аммо хозирги пайтда эски шаҳар қисмида биронта хам хамом сақланиб қолгани йук. Туристларга хизмат курсатувчи Шарк хаммоми лойиҳасини ишлаб чиқиш ва уни туристтик маршрутларга яқин жойда қурилишни амалга ошириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Туристтик инфраструктурани шакллантириш учун миллий уйинлар ва байрамларни тиклаш хам катта аҳамиятга эга. Бу соҳада миллий қура шва дарбозларнинг чиқишлари учун махсус жойлар ташкил қилиниши, хуроз уриштириш, қалиқлар жанглари ва қучқорлар шохланиши учун хам уйингоҳлар ташкил қилиниши қерак. Масҳарабозлар ва ҳофизлар чиқишларини хам ташкил қилиниши хам долзарб масалалардан ҳисобланади.

Туристларни халқ байрамлари ва сайиллари билан таништириш хам катта аҳамиятга эгадир. Айниқса баҳор байрами - Навруз байрамини ташкил қилинишига алоҳида эътибор қаратиш қерак. Навруз байрамига ҳос таомлар – сумалақ ва халиса тайёрлаш жараёнига туристик экскурсиялар уюштириш ва бу байрамга ҳос уйин ва курсатувлари ташкиллаштириш қупгина чет эллик сайёҳларни мамлакатимизга жалб қилади. Шунингдек ёз ойларида ташкил қилинадиган “Қовун Сайли” ва қуз ойларида ташкил қилинадиган “Пахта байрами” қабии сайиллар хам жозибали ташкил қилиниб, туристлар эътиборига ҳавола қилиниши мумкин. Масалан Навруз байрами тантаналарини курсатиш учун Ургутга экскурсия уюштирилиши катта самара бериш мумкин. Ургут нақатат уз табиати, балки узига ҳос этнографик ҳусусиятлари билан хам сайёҳларни жалб қилади. Шу мақсад йулида Ургутда халқ ҳунармандлари устаҳоналарини ташкил қилиниб, ёғочқорлик ва пичоксозликнинг уша жойга ҳос

булган турлари, ургут дуппилари ва жиякларини намоиш килинишини ташкил килиш керак.

Самарканд шаҳрида туристик инфраструктурага оид хизмат курсатувчи корхоналар жойлашуви асосий экскурсион маршрутлар йуналиши билан боғлиқ бўлиб, асосан шаҳар тарихий қисмидаги асосий кучаларда шаклланиши мақсадга мувофиқдир. Бу кучалар бўйлаб сайёҳлар асосан пиёда юришлари ва эски шаҳар тугрисида янада купрок таасуротлар ҳосил килишлари учун шароит яратилади [16].

Туристларни қабул килиш ва хизматларни ташкил килиш учун бош туристик комплекс ташкил килиниши керак [11]. Бош туристик комплекс таркибига маъмурий – ахборот маркази, турли симпозиум ва фестиваллар ўтказиладиган киноконцерт зали, халқ амалий санъати намуналари намоиши учун кургазма зали, ресторан кафелар, маиший хизмат ва хизмат корхоналари жойлаштирилади. Бош туристик ахборот марказининг эски шаҳарда жойлашуви туристлар оқимларининг асосий экскурсиялар ташкил қилинадиган обидалар – Регистон ансамбли, Гури-Амир макбараси, Биби-Хоним масжиди ва Шоҳи-Зинда макбаралар ансамблига яқинлаштиради ва сайёҳлар учун қулайликлар яратади. Бош туристик комплекс Регистон майдони яқинда жойлаштирилса, бу ердан Тошкент қучаси орқали Биби-Хоним ва Шоҳи-Зинда ёдгорликларига пиёда экскурсиялар ва шунингдек эски шаҳар қучалари орқали Гури-Амир, Рухобод ва Оксарой обидаларига ҳам пиёда экскурсиялар ташкил қилинади.

Самарканд шаҳрида бош туристик комплекс жойлашуви шунингдек шаҳарнинг замонавий функцияларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак. Лойihalанадиган туристик инфраструктура объектлари тарихий архитектуравий ёдгорликларнинг ҳимояси ва сақланишини таъминлаб, уларни курсатиш учун яхши шароитлар яратилиши билан ҳам боғлиқдир. Мавжуд шаҳарсозлик вазиятини анализи шу нарсани курсатадики, ҳозирда Самарканд шаҳрининг урта асрларга оид тарихий қучалари маълум деформацияларга учраган. Масалан, Регистон майдони яқинидаги 4-қаватли бинолар тарихий шаҳар структурасининг бузилишига олиб келган ва обидаларнинг экспозицион курсатилига салбий

таъсир курсатмоқда. Бу иморатлар юкори каватлари олиниб, эски шаҳарга хос булган 1-2 каватли иморат шаклига келтириш мақсадга мувофиқ булади.

Бош туристик комплекснинг эски шаҳар ҳудудида жойлаштирилиши барча тарихий обидаларга олиб борадиган кучаларда туристик инфраструктурага оид корхоналарни жойлаштиришга имкон яратади. Б уқучалар буйлаб туристларнинг пиёда шаклида ҳаракат қилиши автотранспорт ҳаракати ва автотранспорт воситалари учун тухташ жойларига булган эҳтиёжга чек қуюди. Бу эса нафақат обидалар яқинида ечилиши қийин булган автотранспорт парковчалари учун буш жойларни таъминлашдан , шунингдек экологик нуқтаи назардан архитектуравий ёдгорликларга зарар етказадиган зарарли газларни қамайтиришга имкон яратади.

Пиёдаларга мулжалланган ва туристик инфраструктурага оид корхоналар жойлашадиган тарихий кучаларни шакллантириш масалалари комплекс равишда қуриб чиқилиши керак. Бунинг учун тарихий кучаларнинг ижтимоий ва маданий жихатдан урни аниқланади ва уларнинг сақланиши, қайта қурилиши қуриб чиқилади.

Туристтик инфраструктура учун тарихий кучаларни фақатгина пиёдалар ҳаракатига мослаштириш чет эл шаҳарсозлигида кенг тарқалган усуллардан ҳисобланади. Гарбий Европа тарихий шаҳарларида бу тажриба кенг тарқалган [20]. Аслини олганда бу шаҳарлар Урта асрларда шаклланган бўлиб, улар уз кенглиги билан асосан пиёдалар ҳаракатига мулжалланган. XX асрда бундай кучаларида транспорт ҳаракати қўпгина муаммоларни юзага келтирди. Бундай муаммолардан асосий деб тан олингани бу транспорт ҳаракати ва пиёдалар ҳаракати орасида келиб чиққан зиддиятлар билан боғлиқ. Шунинг учун охириги йилларда қўпчилик Европа шаҳарларида пиёдалар ҳаракатини архитектуравий ва шаҳарсозлик тадбирлари асосида уйғунлаштириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Транспорт ҳаракатидан холи булган кучаларни ташкил қилиниши тарихий шаҳарларни ижтимоий ва иқтисодий жихатдан жонланиши ва бу шаҳарларнинг жозибдорлигини ошириб, туристик оқимларни қўпайишига уз таъсирини курсатмоқда. Европа шаҳарларининг тарихий қисмлари ижтимоий-савдо, маданий ва тадбиркорлик функциялари билан ажралиб туради. Бу

шахарлардаги куча ва майдонлари, бино ва иншоотлари, инсон ва унинг эҳтиёжлари асосида куп асрлар давомида шаклланган. Мавжуд анъаналар кадимги Юнон ва Кадимги Рим архитектурага бориб такалади ва Урта асрларда инсонпарварлик гоёлари асосида ривожлантирилган. Масалан, Уйғониш даври буюк рассом ва архитектори Леонар да Винчи XV асрдаёқ от транспорти ва пиёдалар харакатини бир-биридан ажратиб, турли баландликлардаги кучарда ташкил қилиш гоёсини олға суради. XX аср бошларида эса автомобил транспорти тез ривожланишини кура билган Ле Корбюзе узининг “Замонавий шахар” лойихасида транспорт ва пиёдалар харакатини тулик ажратиб, пиёдалар учун алохида кучалар ташкил қилинишини таклиф қилди.

### **3.3.Туристтик инфраструктура корхоналарининг функционал тузилиши.**

Бизнинг мамлакат ва чет эл давлатлари охириги пайтларда тарихий шахарлар марказий кучаларини қайта қуриш ишлари кенг куламда олиб борилмоқда [21]. Қайта қуриш ишларининг турли усуллари мавжудлигига карамасдан қайта қуришнинг асосий мақсади тарихий кучаларни замонавий функцияларига мослаш ва шахарларнинг тарихий марказлари ахамиятини тиклашдан иборат.

Шахарлар тарихий марказлари уларнинг вужудга қелиш тарихи билан боглик холда турли функционал тузилишга эгадир. Шунинг учун марказий кучаларни қайта қуриш ишларини комплекс тарзда ташкил қилиниши мақсадга мувофикдир. Буни амалга ошириш учун қуйидаги масалалар уз ечимини топиши керак:

- шахар марказидаги тарихий кучаларда жойлашган турар жойларни янгилаш ва сифатини яхшилаш:

-хизмат курсатувчи корхоналар номенилатурасини аниқлаш:

-хизмат курсатувчи марказлар ва туристик инфраструктура корхоналарининг узаро боглик системасининг шаклланиши:

-тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш ва қайта қуриш ишларини амалга ошириш:

-тарихий кучаларда транспорт катновини чеклаш ва имкон даражасида пиёдаларга мулжалланган кучалар сонини купайтириш:

-тарихий кучаларда мухандислик тармоқларини тулик таъмирлаб, электр таъминоти сув ва канализация тармоқлари ишлашини яхшилаш:

-тарихий кучалар санитария ва гигиена шароитларини тубдан яхшилаб, атроф мухит ҳолатини замонавий талаблар асосида шакллантириш:

Бу масалалар барчаси комплекс ҳолда шаҳар ривожланиши бош планида уз аксини топиши керак.

Тарихан шаклланган кучалар Ўзбекистон тарихий шаҳарларида сунгги даврларда шаклланган марказлардан алоҳида жойлашган булиб улар орасида маълум тафовутлар мавжуд [12]. Бунинг натижасида бир томондан тарихий кучалар бадиий хусусиятларини саклаб қолиши керак бўлса, иккинчи томондан тарихий марказларга замонавий инфраструктурани олиб кириш зарурияти мавжуддир. Хизмат курсатиш инфраструктураси туристлар билан бир каторда маҳаллий аҳолига ҳам хизмат курсатиши керак бўлади.

Замонавий шаҳарсозликда тарихий кучаларни қайта қуриш ва таъмирлаш масалалари долзарб масалалардан ҳисобланади [8]. Архитектуравий жиҳатдан шаҳарларда анъанавийликни саклаб қолиш учун керакли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш керак.

Архитектуравий ёдгорликларга нисбатан эътибор, уларнинг шаҳарлар структурасида эгаллаган урнини саклаб қолиш йулидаги ишлар ҳар бир халқнинг миллий гурури ва миллий тикланиши даражасини курсатади.

Тарихий шаҳарлар эски кучаларини саклаш ва қайта тиклашдан асосий мақсад шаҳар лойихавий тузилмаларида қайноқ ҳаёт хусусиятларини жонлантириш, архитектуравий ёдгорликларга замонавий функцияларни киритиш йули билан ҳаётини ритмни давом эттириш ётади. Тарихий кучаларни ҳаддан ортиқ музей ҳолатига келтириш эса уларнинг ҳаётдан узоклашувига олиб келади. Тарихий куча ва ансамблларни саклаш билан биз бир томондан бундай меросга тугри баҳо беришимиз ва иккинчи томондан эски кучалардан фойдаланган ҳолда уларда мавжуд ижобий хусусиятлардан тулик фойдаланишимиз керак.

Шунинг учун тарихий меросга ижодий ёндашувни саклаган холда, тарихий кучаларни кайта куришнинг шундай усулларини топишимиз керакки, улар мавжуд лойихавий ва бадий хусусиятларга зид булмасин.

Тарихий кучаларни кайта куришдан асосий мақсад тарихий марказларда кулай ҳаётий муҳитни яратиб, куп сонли сайёҳлар ва маҳаллий аҳоли учун замонавий шароитларни яратиб бериш.

Машхур архитектор В. А. Лавров таъкидлаганидек [10] “шахарлар тарихий марказларини кайта куриш” деган ибора икки хил маънога эгадир: биринчидан, бу жараён тарихий шахарлар фазовий ва лойихавий тизимининг узок давр давомида узгариши булса; иккинчидан, бу жараён тарихий шахарларда хозирги кунларда олиб борилаётган таъмирлаш ва ободанлаштириш ишлари булиб, тугалланган ва ривожланиш учун имкониятларга эга шахар тузилмаларидан иборатдир.

Тарихий кучаларни таъмирлаш ва кайта куриш ишларини амалга ошириш жараёнида бир катор лойихавий, ижтимоий ва иктисодий масалалар хал қилиниши керак. Бу масалалар комплекс равишда ечилган пайтда сифат жиҳатидан юкори даражадаги муҳит яратилади.

Тарихий кучаларнинг узига хос хусусиятларини саклаб қолиш ва ривожлантиришда анъаналар муҳим аҳамиятга эгадир [10, 12]. Анъаналарга асосланган кайта куриш ва таъмирлаш ишлари тарихий шахарлар образларини саклаб қолиш учун биринчи навбатда тарихий кучаларда олиб борилаётган янги курилишлар архитектуравий ва композицион жиҳатдан миллий меъморчиликка хос булган хусусиятларни узида жамлаши керак. Шу билан бирга кайта курилган ва таъмирланган тарихий кучалар замонавий кулайликларга эга булиши керак. Анъанавийлик тугрисида сузлаганда шу нарсани куздан узоклаштирмаслик керакки, миллий меъморчиликка хос булган хусусиятлар асосан тарихий шахарлар марказий кучаларида уз ифодасини топган. Бу нарса оддий стилистик шаклдан бошлаб то бутун шахар фазовий тузилишигача булган даражада намоён булади. Бундай хусусиятларни йукотмаслик учун структуравий жиҳатдан асосланган шахарсозлик анъаналарини замонавий амалиётга жорий этиш талаб

килинади. Тарихий кучаларда нисбатан анъаналарнинг композицион , функционал лойихавий ва микро-иклим яратувчи хусусиятлари алохида-алохида эмас, балки шаҳар мухитини фазовий сируктурасини шакллантирувчи омилларнинг комплекс тарзда ҳисобга олиниши ва амалиётда кулланилиши муҳимдир. Тарихий шаҳар мухитини тиклашда архитектуравий мероснинг композицион имкониятидан кенгрок фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Тарихий кучалар уйғунлиги меъморий ёдгорликларга тақлид қилиш йули билан эмас; балки умумий композицион гоёга амал қилиш йули билан яратилиши мумкин.

Меъморий ёдгорликларга шаклий жиҳатдан ухшашлик эмас, балки кучалар фазовий тузилишининг масштаб ва ҳажмий-фазовий жиҳатдан узаро боғланганлиги муҳим аҳамиятга эгадир.

Тарихий кучалар архитектурасида анъанавийликни сақлаб қолишнинг бир неча қуриниши мавжуд бўлиб, улар қуйидагилар:

- шаклларнинг умумийлиги:
- шаклларнинг ухшашлиги:
- шаклларнинг тафовути ( контраст )

Ўзбекистон тарихий шаҳарлари марказий кучаларини қайта қуриш ва таъмирлашда асосан шаклларининг умумийлиги ва шаклларнинг ухшашлигидан қупрок кулланилмоқда. Аммо замонавий чет эл тажрибасида архитектуравий контраст, яъни шакллар тафовутидан ҳам кенг қуламда фойдаланилмоқда. Масалан, Литва давлатида қайта қури шва таъмирлашда ушбу усул кенг кулланилган.

Литвалик архитектор В. Юркштас таъкидлаганидек, эски ва янги архитектура контраст асосида бирлашганда узига хос натижага эришилади. Аммо бу усул Ўзбекистон шароитида узини оқламади. Масалан, Регистон майдони атрофида қурилган қуп қаватли турар жой бинолари тарихий кучалар тузилишини бузилишига олиб келди ва эски шаҳар структурасига номутаносибликни вужудга келтирди

Архитектуравий шаклларга асосланган тарихий кучалар мухити узидан олдинги даврларга хос бўлган хусусиятларни сақлаган ҳолда, анъанавийликга

асосланган янги гоёлар билан бойитилиши мақсадга мувофиқдир. Бу нарсани қандай амалга оширилиши мумкин деган саволга замонавий амалиётдан жавоб топиш мумкин. Масалан, Самарқанд шаҳридаги М. Улугбек кучасини қайта қуриш ва таъмирлаш ишлари натижаларини таҳлил қилишимиз мумкин.

Ушбу кучага XIX аср охирида асос солинган булиб, шаҳар марказий кучаларидан бири сифатида эътироф этилган. Қайта қуриш ва таъмирлаш натижасида кучанинг транспорт ҳаракатига мулжалланган қисми кенгайтирилди ва ободонлаштирилди, ваҳ у билан бирга замонавий талабларга мос равишда жиҳозланди. Аммо кучанинг икки томонида жойлашган биноларнинг қайта қурилишда тарихий кучада мос масштаб ва стилистик шакллар тикланди. Натижа эса, бизнинг фикримизга тарихий кучага ҳос булган муҳит шаклланишига олиб келди. Бу уринда шу нарсани таъкидлаш керакки, анъанавий ҳажм-фазовий ечимларни қуллаш билан бир қаторда ҳажмий пластика ва фасадларни деталлари каби элементлар ҳам тарихий куча муҳитини қайта тиклаш вазифасига хизмат қилади.

### **III – боб хулосалари**

1. Сайёҳлик маршрутлари сценариялари асосида экскурсиялар ташкил қилиниши ва шу асосда туристик инфраструктура объектлари сигими ва қувватлари ҳисобланади. Аниқланган техник-иқтисодий курсаткичлар асосида туристик инфраструктурага таалукли объектлар учун лойиҳа топшириқлари ишлаб чиқилади. Лойиҳа топшириқларига асосланган ҳолда туристик инфраструктура объектлари комплекс тарзда лойиҳаланади. Лойиҳа жараянида албатта маҳаллий қурилиш ва таъмирлаш ташкилотлари имкониятлари ҳисобга олинниши керак. Ишлаб чиқилган лойиҳалар эса албатта экспертлар ва комплексга қирувчи корхоналар мутахассислари эътиборига тақдим қилинади.

2. Самарқанд шаҳрида туристик инфраструктурага оид хизмат курсатувчи корхоналар жойлашуви асосий экскурсион маршрутлар йуналиши билан боғлиқ булиб, асосан шаҳар тарихий қисмидаги асосий кучаларда шаклланиши мақсадга

мувофикдир. Бу кучалар буйлаб сайёхлар асосан пиёда юришлари ва эски шаҳар тугрисида янада купрок таасуротлар хосил килишлари учун шароит яратилади.

Туристларни кабул килиш ва хизматларни ташкил килиш учун бош туристик комплекс ташкил килиниши керак. Бош туристик комплекс таркибига маъмурий – ахборот маркази, турли симпозиум ва фестиваллар утказиладиган киноконцерт зали, халк амалий санъати намуналари намоиши учун кургазма зали, ресторан ва кафелар, маиший хизмат ва ахборот хизмати корхоналари жойлаштирилади. Бош туристик ахборот марказининг эски шаҳарда жойлашуви туристлар оқимларининг асосий экскурсиялар ташкил килинадиган обидалар – Регистон ансамбли, Гури-Амир макбараси, Биби-Хоним масжиди ва Шохи-Зинда макбаралар ансамблига яқинлаштиради ва сайёхлар учун кулайликлар яратади. Бош туристик комплекс Регистон майдони яқинида жойлаштирилса, бу ердан Тошкент кучаси орқали Биби-Хоним ва Шохи-Зинда ёдгорликларига пиёда экскурсиялар ва шунингдек эски шаҳар кучалари орқали Гури-Амир, Рухобод ва Оксарой обидаларига ҳам пиёда экскурсиялар ташкил килинади.

Тарихий шаҳарлар эски кучаларини саклаш ва кайта тиклашдан асосий мақсад шаҳар лойихавий тузилмаларида кайнок ҳаёт хусусиятларини жонлантириш, архитектуравий ёдгорликларга замонавий функцияларни киритиш йули билан ҳаётий ритмни давом эттириш ётади. Тарихий кучаларни ҳаддан ортик музей ҳолатига келтириш эса уларнинг ҳаётдан узоклашувига олиб келади. Тарихий куча ва ансамблларни саклаш билан биз бир томондан бундай меросга тугри баҳо беришимиз ва иккинчи томондан эски кучалардан фойдаланган ҳолда уларда мавжуд ижобий хусусиятлардан тулик фойдаланишимиз керак.

Шунинг учун тарихий меросга ижодий ёндашувни саклаган ҳолда, тарихий кучаларни кайта куришнинг шундай усулларини топишимиз керакки, улар мавжуд лойихавий ва бадиий хусусиятларга зид булмасин.

Тарихий кучаларни кайта куришдан асосий мақсад тарихий марказларда кулай ҳаётий муҳитни яратиб, куп сонли сайёхлар ва маҳаллий аҳоли учун замонавий шароитларни яратиб бериш.

## Умумий хулосалар

1. Замонавий маданий тараккиётнинг hozirgi палласида халкимизнинг уз утмиши ва тарахини чукур урганишга булган кизикиши ошиб бормокда. Бу сохадаги ишлар орасида шахарсозлик санъатимизнинг утмишдан бизга мерос булиб колган, жумладан, марказий кучаларда жойлашган жамоат бинолари архитектурасида ансамбл ва комплексларнинг шаклланиш тамойилларини урганиш ва уни замонавий меъморчилигимизда фойдаланиш чора-тадбирларини белгилаш долзарб масалалардан биридир.

Утмиш меъморлари яратган туркум биноларни урганар эканмиз, улардаги хандасавий, меъморий ва фалсафий уйгунлик диккатимизни узига жалб этади. Шахар худудини шакллантириш масалаларини хал этишда Урта Осиё меъморлари ушбу шахарни катта ва кичик ансамбллар тизими сифатида карашар эди. Фикримизнинг исботи сифатида дуёга шухрати ёйилган Тошкентдаги Хазрати Имом, Самарканднинг Регистон, Гури Амир, Шохи Зинда, Бухоронинг Лаби Ховуз, Хива Ичан калъаси, Шахрисабздаги Дор-ур-Саодат, Дор-ур-тиловат ва бошкалар санаб утишимиз мумкин.

Тарихий шахарларда марказий кучаларни ва меъморий иншоатларни ансамбл шаклида барпо этиш биноларнинг визуал таъсирчанлигини ошириш нуктаи назаридан келиб чикиб, меъморлар олдида биноларни бир-бири билан гармоник уйгунлаштириш вазифасини куяди. Замонавий меъморчиликда хам юкорида айтиб утилган вазифалар уз кадрини йукотгани йук. Тарихий шахарлар марказий кучаларида туристик инфраструктурани шакллантириш йулида ансамблсозлик усуллардан фойдаланиш максадга мувофикдир.

2. Тарихий кучаларнинг узига хос хусусиятларини саклаб колиш ва ривожлантиришда анъаналар мухим ахамиятга эгадир. Анъаналарга асосланган кайта куриш ва таъмирлаш ишлари тарихий шахарлар образларини саклаб колиш учун биринчи навбатда тарихий кучаларда олиб борилаётган янги курилишлар архитектуравий ва композицион жихатдан миллий меъморчиликка хос булган хусусиятларни узиде жамлаши керак. Шу билан бирга кайта курилган

ва таъмирланган тарихий кучалар замонавий кулайликларга эга булиши керак. Анъанавийлик тугрисида сузлаганда шу нарсани куздан узоклаштирмаслик керакки, миллий меъморчиликга хос булган хусусиятлар асосан тарихий шаҳарлар марказий кучаларида уз ифодасини топган. Бу нарса оддий стилистик шаклдан бошлаб то бутун шаҳар фазовий тузилишигача булган даражада намоён булади. Бундай хусусиятларни йукотмаслик учун структуравий жихатдан асосланган шаҳарсозлик анъаналарини замонавий амалиётга жорий этиш талаб килинади. Тарихий кучаларга нисбатан анъаналарнинг композицион, функционал, лойихавий ва микро-иклим яратувчи хусусиятлари алохида-алохида эмас, балки шаҳар мухитини фазовий сируктурасини шакллантирувчи омилларнинг комплекс тарзда ҳисобга олиниши ва амалиётда кулланилиши муҳимдир. Тарихий шаҳар мухитини тиклашда архитектуравий мероснинг композицион имкониятидан кенгрок фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Тарихий кучалар уйғунлиги меъморий ёдгорликларга таклиид килиш йули билан эмас; балки умумий композицион гоёга амал килиш йули билан яратилиши мумкин.

Туристтик инфраструктура шакллантиштириш учун меъморий ёдгорликларга шаклий жихатдан ухшашлик эмас, балки кучалар фазовий тузилишининг масштаб ва ҳажмий-фазовий жихатдан узаро боғланганлиги муҳим аҳамиятга эгадир. Тарихий кучалар архитектурасида анъанавийликни саклаб қолишнинг бир неча қуриниши мавжуд булиб, улар қуйидагилар:

- шаклларнинг умумийлиги:
- шаклларнинг ухшашлиги:
- шаклларнинг тафовути ( контраст )

Ўзбекистон тарихий шаҳарлари марказий кучаларини қайта қуриш ва таъмирлашда асосан шаклларининг умумийлиги ва шаклларнинг ухшашлигидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

3. Шаҳарлар тарихий марказлари уларнинг вужудга келиш тарихи билан боғлиқ ҳолда турли функционал тузилишга эгадир. Шунинг учун марказий кучаларни

кайта куриш ишларини комплекс тарзда ташкил килиниши мақсадга мувофиқдир.

Буни амалга ошириш учун куйидаги масалалар уз ечимини топиши керак:

- шаҳар марказидаги тарихий кучаларда жойлашган турар жойларни янгилаш ва сифатини яхшилаш:

-хизмат курсатувчи корхоналар номенилатурасини аниклаш:

-хизмат курсатувчи марказлар ва туристик инфраструктура корхоналарининг узаро боғлиқ системасининг шаклланиши:

-тарихий ва маданий ёдгорликларни саклаш ва кайта куриш ишларини амалга ошириш:

-тарихий кучаларда транспорт катновини чеклаш ва имкон даражасида пиёдаларга мулжалланган кучалар сонини купайтириш:

-тарихий кучаларда муҳандислик тармоқларини тулик таъмирлаб, электр таъминоти сув ва канализация тармоқлари ишлашини яхшилаш:

-тарихий кучалар санитария ва гигиена шароитларини тубдан яхшилаб, атроф муҳит ҳолатини замонавий талаблар асосида шакллантириш:

Бу масалалар барчаси комплекс ҳолда шаҳар ривожланиши бош планида уз аксини топиши керак.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Узбекистан XXI аср бусагасида. Т., Узбекистон 1997.
2. Каримов И.А. Узбекистон на пути углубления экономических реформ. Т., Узбекистон 1996.
3. Абдурахманов А., Кабакова С. Архитектурно-историческое наследие и реконструкция городов Узбекистана. Ташкент. 1977.
4. Азар В. И. Экономика и организация туризма. М. 1992.
5. Бабуров А.В. Наследие и современность. М. Стройиздат. 1986.
6. Бунин А.В. История градостроительного искусства М., 1979.
7. Булатов М.С., Маньковская Л.Ю. Проблемы освоения архитектурного наследия в Узбекистане. – Строительство и архитектура Узбекистана. 1973. № .
8. Гутнов А.Э. Эволюция градостроительства. М. Стройиздат. 1984.
9. Евреинов Ю.Н. Использование культурно-исторического наследия в архитектурном развитии Киева. КиевЗНИИЭП. 1982.
10. Лавров В. Развитие планировочной структуры исторически сложившихся городов. М., 1973.
11. Орлов М.А. Развитие туризма и особенности проектирования крупных туристских комплексов. Архитектура СССР, 1972, № 9.
12. Пугаченкова Г.А., Маньковская Л.Ю. Памятники архитектуры и современный город. – Архитектура СССР, 1973, № 9.
13. Ранинский Ю.В. Архитектурные решения туристических центров в исторических городах – Архитектура СССР, 1973, № 9.
14. Родичкин И.Д. Человек, среда, отдых. Киев, 1977.
15. Степанов А.А. Традиции, новаторство и архитектурное образование. Архитектура СССР. 1985. № 1
16. Хидиров М. М. Вопросы организации торгово-пешеходных улиц в структуре исторического города. – Проблемы архитектуры и строительства. 2011. N 11.
17. Швидковский О.А. Пути реконструкции древних городов. – Строительство и архитектура Узбекистана. 1968, № 10.

18. Ясиевич В. Е. В поисках национального и регионального своеобразия. – Строительство и архитектура. 1984, № 2.
19. Bryden, John. Tourism and development/ Cambridge, 1973.
20. Peters, Michael. International tourism. The economics and development of the international tourist trade. London 1989.
21. Tourism in Andalusia-Architectural Design, 1975 vol. 45, №1.
22. Historic preservation: A Matter of dollars and Common Sense. –Ecustics, v. 39, March 1975, № 232.
23. Heritage Politics. –Architectural Review, v. 158, November, 1975, № 945.